Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O'zLiDeP
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 21-APREL, PAYSHANBA, 16 (648)-SON

e-mail: xxi_asr@umail.uz, web sayt: www.21asr.uz

# ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАР МУВАФФАҚИЯТИГА БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда O`zLiDePнинг 2015 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалар, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан амалга оширилаётган ишларнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.**







**Кун тартибидаги масалалар юзасидан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, парламент қуйи палатасидаги партия фракцияси раҳбари Содиқжон Турдиев атрофлича маъруза қилди.**

— Барчамизга маълумки, глобаллашув даври, дея аталаётган XXI асрнинг умумбашарий муаммолари, айниқса, иқтисодий-ижтимоий барқарорлик масалалари тобора долзарблашиб бораётган шу кунларда дунё ҳамжамиятининг асосий эътибори аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ёшлар ва аёллар учун муқим иш ўринлари яратишга қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас, — деди нотиқ. — 2008 йилдан буён давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатлари ҳамон сезилаётган бир пайтда Ўзбекистонда бир неча ўн йилликларга мўлжалланган янги-янги лойиҳалар, давлат дастурлари қабул қилинаётгани Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларида энг тўғри йўл танланганини яна бир марта исботлаб турибди.

Буни халқаро миқёсдаги экспертлар, дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчилари ва давлат арбоблари ҳам эътироф этишмоқда. Энг асосийси, салкам чорак аср ичида янги давлат ва янги жамият шаклланди. Ватанимиз иқтисодиётининг таянчига айланиб улгурган ўрта синф – мулкдорлар қатлами майдонга чиқди. Бугун биз ана шу синфнинг иқтисодий-ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилаётган сиёсий куч сифатида олдимизда турган энг муҳим, энг устувор ва энг долзарб вазифаларни муҳокама қилиш, йўл қўйилган камчилик ва хатоларимизни бартараф этиш юзасидан қарорлар қабул қилишга жамландик.

Яхши биламизки, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир маърузасида хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мулкдорлар манфаатларини ишончли ҳимоялаш, мамлакатимиз иқтисодиётида давлат улушини стратегик асосланган даражагача қисқартириш, шунингдек, хорижий инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш учун зарур шароит яратиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. O`zLiDePнинг Сайловолди платформаси ва дастуридаги асосий мақсадларнинг Юртбошимиз маърузаларида таъкидлаган масалалар билан ҳамоҳанг эканлиги эса фаолиятимизни янада такомиллаштириш, эришилган ютуқлар билан чекланмасдан ўз ишимизни танқидий-таҳлилий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда.

Маълумки, 2014 йилда бўлиб ўтган сайловларда муносиб иштирок этган партиямиз 2015 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 52 депутатдан иборат энг катта фракцияни ташкил этишга муваффақ бўлди. Юртбошимиз ўтган йилнинг ўзида парламент қуйи палатасига 3 маротаба ташриф буюриб, Олий Мажлис, хусусан, сиёсий партиялар фракциялари ва барча депутатлар учун дастуриламал бўлиб хизмат қилувчи устувор вазифаларни белгилаб бердилар. Президентимиз барча қонун ташаббускорларига мурожаат қилиб, қонунлар ва уларни ҳаётга жорий этиш механизмларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар.

O`zLiDeP фракцияси ўз фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда жорий режаларини давлатимиз раҳбарининг кўрсатма ва тавсиялар асосида ишлаб чиқди ҳамда уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилди. Фракция аъзолари қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига, бир сўз билан айтганда, халқимизга ўз вақтида етказишда фаоллик кўрсатишяпти.

Ўтган давр мобайнида Қонунчилик палатасига киритилган жами 60 дан зиёд қонун лойиҳаларининг 19 таси (шундан 4 таси 32 та қонун лойиҳасини ўзида бирлаштирган) қабул қилинди ва Сенатга юборилди. Кези келганда, O'zLiDeP фракцияси ўз фаолиятида иқтисодиётни либераллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасидаги ишларимиз Юртбошимизнинг O'zLiDeP VII Съездидаги маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида ишлаб чиқилди ва бу борада 8 та аниқ мақсадли партиявий лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, "Тадбиркорлар мулоқот форуми" лойиҳаси хусусий мулк ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш билан боғлиқ 30 дан ортиқ қонун лойиҳалари жойларда кенг муҳокама этилди. Мазкур йўналишда ҳудудлар ва туманлар миқёсида 3200 дан ортиқ амалий мулоқотлар ташкил этилиб, уларда 4 мингдан ортиқ таклиф ва тавсиялар ўрганилди. Шулардан 650 га яқини бевосита қонунчиликни такомиллаштиришга оид эканлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

"Қулай бизнес муҳит" лойиҳаси доирасида эса мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича билдирилаётган таклифларни таҳлил қилишга қаратилган махсус қайдлар китоби юритилди. Бу йўналишда 14,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ва фермер хўжаликларида тарғибот-тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада ер ва бино ажратиш, инфратузилма, банк, кредит, солиқ масалалари, маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ кўплаб муаммолар аниқланди.

3→

*"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасига чет эл ижтимоий-сиёсий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларнинг муносабат ва фикр-мулоҳазалари" номли китоб нашрдан чиқди.*

# Халқаро экспертлар эътирофи

Унда жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли компания ва ташкилотлар, жумладан, Жаҳон банки, Европа Иттифоқининг Энергетика хартияси, Бранденбург технологиялар ва инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш институти (Германия), «LSMtron» (Корея Республикаси), «Kubota Corporation» (Япония), «Lutron Electronics» (АҚШ), «Буруж» гуруҳи (БАА), «Amcor» (Австралия) компаниялари вакиллари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар таҳлил қилиниб, 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ва уларнинг истиқболларига муносиб баҳо берилган.

**O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг навбатдаги қўшма йиғилишида ушбу тўпламнинг мазмун-моҳияти атрофлича муҳокама қилинди**. Мазкур китобнинг нашр қилиниши O'zLiDeP электорати, фаоллари ва депутатлик корпусида илиқ таассурот уйғотгани алоҳида таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари жаҳондаги етакчи экспертларнинг фикрларини умумлаштириш асносида Президентимиз маърузасида халқимизнинг фаровон келажагини таъминлаш учун стратегик аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган устувор йўналишлари баён этилгани ҳақида якдил фикрга келдилар. Зеро, хориждаги ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг ушбу муносабати замиридаги ҳақиқат, яъни ислоҳотларнинг "ўзбек модели" муваффақияти ҳар биримизга ғурур бағишлаши баробарида галдаги режаларимизни амалга оширишда, олдимизга қўйган мақсадларга эришишда янада катта масъулият юклайди.

– Давлатимиз раҳбарининг "Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир" номли маърузаси нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётганини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси Абдуқодир Тошқулов. – Бинобарин, мазкур маърузада Ўзбекистон танлаган ислоҳотлар йўлининг нақадар тўғрилигини тасдиқловчи кўплаб далиллар ўз аксини топган. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулот 8 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб 7 фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам 18 фоизга ошди. Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Бу каби юқори ривожланиш суръатлари яқин-узоқдаги давлатларнинг ҳавасини келтираётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Модомики, O'zLiDeP депутатлик корпуси мамлакатимизнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим омили сифатида меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига бундан буён ҳам жиддий эътибор қаратади.

3→

МУНОСАБАТ

# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

■ Саидислом САЙДУЛЛАЕВ,
Бўка туманидаги "Ёқутхон-Санд" фермер хўжалиги раҳбари, O'zLiDeP аъзоси

**Маълумки, Президентимизнинг "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига биноан 2016 йилги ҳосилдан бошлаб, ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш бўйича давлат буюртмаси жорий этилаётир.**

Бошқача айтганда, эндиликда давлат буюртмаси доирасида маҳсулотларни саноат асосида қайта ишлаш учун харид қилиш маҳсулот етказиб берувчилар – фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда истеъмолчилар – «Ўзбекозиқовқатхолдинг» холдинг компанияси таркибига кирадиган хусусий мулк шаклидаги қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган контрактация шартномалари асосида амалга оширилади.

Шу ўринда икки муҳим жиҳатга эътибор қаратиш лозим. Биринчидан, шартномалар тузиш шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бўнак бериш орқали амалга оширилади. Иккинчидан, ҳўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум фермер ҳамда деҳқон хўжаликларидан келишилган ҳолда, яъни бозор нархларида харид қилинади. Электоратининг асосий қисмини тадбиркор ва фермерлар ташкил этишини ҳисобга олсак, бундай ёндашув O`zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларига муштаракдир, албатта. Зотан, O`zLiDeP ўз фаолиятида тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Қолаверса, партия қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ жойларда қайта ишлаш корхоналарини жадал ривожлантириш тарафдоридир. Ишонамизки, мазкур қарор, энг аввало, ички бозорни тўлдириш, аграр тармоқнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, пировардида, қишлоқ аҳолиси бандлиги ва даромадларини оширишни таъминлайди.

Умуман, партиямиз фикрича, ушбу қарор ижроси мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш ва турларини кўпайтириш, қисқача айтганда, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантиришга хизмат қилади.

**Жорий йилнинг 12 апрель куни матбуотда эълон қилиниб, шу санадан эътиборан расман кучга кирган «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда вакиллик органларининг ваколатларини кенгайтириш бўйича узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил, босқичма-босқич, тадрижий ислоҳотларнинг мантиқий давомидир, десак асло муболаға бўлмайди.**

## Парламент назорати:

# Субъектлар ҳам, объект ҳам аниқ



**Мехриддин МУҲАММАДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

Қонун 28 моддадан иборат бўлиб, унда парламент назорати субъектлари, объекти, амалга ошириш шакллари, субъектларнинг мажбуриятлари, парламент назорати натижалари каби муҳим масалалар ўрин олган. Уни ишлаб чиқишда миллий парламентимиз фаолиятида шаклланган ижобий жиҳатлар ҳамда ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилган ва энг самарали нормалари ҳисобга олинган.

Асосий мақсади Конституция ва амалдаги қонунлар талабларининг ижроси устидан парламент назоратини амалга оширишнинг ягона ва бир тизимга солинган яхлит ҳуқуқий асосини яратишдан иборат ушбу қонуннинг 3-моддасида мазкур назорат субъектлари аниқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, Олий Мажлис палаталари, палаталар қўмиталари ва комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар гуруҳлари, депутатлар ва сенаторлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) парламент назорати субъектлари қаторига киритилди.

Қонунда партиялар фракцияларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолиятини сифат жиҳатдан янги асосда қурилишига хизмат қилувчи бир қатор нормалар мавжуд. Хусусан, фракцияларга Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини дастлабки тарзда муҳокама қилиш, ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш, парламент сўровини юбориш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқлари берилганлиги шулар жумласидандир.

Ҳар қандай назорат унинг объекти аниқ белгилаб олингандагина мақсадли ва самарали бўлади ҳамда бошқа субъектларнинг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмасликни кафолатлашга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда қонуннинг 4-моддасида парламент назоратининг объекти аниқ белгилаб қўйилди: *«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объектидир».*

Алоҳида эътибор қаратиш лозим бўладиган жиҳат бу парламент назорати фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан амалга оширилишидир. Яна бир жиҳат шундаки, мазкур органларнинг ҳар қандай фаолияти эмас, балки шартли равишда айтадиган бўлсак, уч хил йўналиш ажратиб олинмоқда: биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ва улар органларининг қарорларини амалга ошириш, иккинчиси, давлат дастурларини ижро этиш, учинчиси, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти. Яъни, парламент назорати субъектлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмасликлари лозим. Бунга яққол мисол қилиб мазкур қонунда *«Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек, ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият парламент назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас»* деб белгилаб қўйилган нормани келтириб ўтиш мумкин. Бу эса ҳокимият бўлинишининг конституциявий принципи талабларига тўла мос келади.

Агар жаҳон парламентаризми тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, унда парламент давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим соҳалари — бюджетни тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш, дебатлар, парламент палаталарида ҳукумат ёки вазирларнинг ўз фаолиятлари ҳақида маъруза ёки ҳисобот беришлари, парламент эшитувлари, парламент текширувлари, қонун татбиқ этилишини ўрганиш, оғзаки ва ёзма саволлар бериш, Омбудсман орқали инсон ҳуқуқларига риоя қилинишини текшириш йўллари орқали ўз назоратида тутишини кузатишимиз мумкин. Шу маънода қонуннинг 5-моддасида белгиланган давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини кўриб чиқиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботини, ҳукумат аъзоларининг ахборотини, Ҳисоб палатаси, Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Марказий банк ҳисоботларини эшитиш, парламент сўрови, депутат ва сенатор сўрови, Олий Мажлис палаталари қўмиталари томонидан қонун ҳужжатлари ижро этилаётганлигини ўрганиш каби парламент назорати шакллари парламент назорати бўйича жаҳон андозаларига уйғундир.

Қабул қилинган қонунларни ижро этиш мақсадида қонуности ҳужжатлари қабул қилинишининг мониторинги долзарблиги ҳақида Президентимиз 2015 йил 23 январда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида таъкидлаб ўтган эдилар. Шу маънода, қонунга бундай назорат шаклининг алоҳида киритилиши давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган муаммонинг ечимига хизмат қилади.

Экспертлар фикрича, парламент назорати бошқа давлат назорати турларидан фарқли равишда асосий мақсади кимнидир жазолаш эмас, балки қонунчиликни такомиллаштириш йўли билан муаммоларга чора кўришдан иборатдир. Парламент назорати натижаларини эълон қилиш чораси ҳам ривожланган демократик давлатлар тажрибасида қўлланиладиган сиёсий-ҳуқуқий таъсир воситаси ҳисобланиб, тегишли мансабдор шахслар фаолияти жамоатчилик орасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлади.

Қонуннинг 22-моддасида парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий механизмлар назарда тутилган. Уларнинг ичида энг муҳимлари сифатида парламент назорати натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларни амалга оширишга қаратилган зарур тадбирларни ишлаб чиқиш ва (ёки) қарорлар қабул қилиш, қонун ҳужжатларининг бузилишига йўл қўйган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўришни келтириб ўтиш мумкин.

Назорат бўйича берилган ваколатларни суиистеъмол қилмаслик учун қонуннинг 23-моддасида тегишли қонуний кафолатлар яратилган. Хусусан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслик, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, бошқа ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши учун тўсиқларни юзага келтирмаслик шулар жумласидандир.

Айни вақтда парламент назорати самарали амалга ошиши учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари ҳам муҳим бўлиб, қонуннинг 24-моддасида уларнинг парламент назорати амалга оширилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, парламент назорати субъектларининг қонуний талабларини бажариш, шунингдек, уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслик, парламент назорати субъектларига парламент назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, уларнинг ишончлилиги ва холислигини таъминлаш каби мажбуриятлар белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳокимият бўлиниши конституциявий принципини рўёбга чиқаришни давом эттиришда, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини яратишда, Олий Мажлиснинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини кучайтиришда, қонун устуворлигини, қонунийликни, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари ижросини таъминлашда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этиш учун уларнинг жавобгарлигини оширишда муҳим омил бўлади.

---

**“Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни парламент қуйи палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзоларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилганлигини эътироф этиш жоиз. Зеро, Сайловолди дастуримизда партиямиз қабул қилинаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан амалга оширилаётган назоратнинг таъсирчанлиги ва самарадорлигини таъминлаш, қонун чиқарувчи ва жойлардаги вакиллик органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва ролини ошириш тарафдори эканлиги аниқ белгилаб қўйилган.**

# *Изчиллик инъикоси*



**Клара ЖУМАМУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

Парламент назорати эса ҳуқуқни қўллаш амалиётига, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий жараёнларга, умуман олганда, жамият ҳаётига таъсир кўрсатишининг энг самарали усулларидан бири. Ушбу институт демократик давлат бошқарувини таъминлаш воситасидир.

2014 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)”ги Қонунда ҳокимият тармоқларининг ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш тизимининг энг муҳим тартиб-таомилларидан бири – парламент назоратини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Конституциянинг парламент палаталарининг биргаликдаги ваколатларини тартибга соладиган 78-моддаси янги норма билан тўлдирилди. Яъни, конституциявий амалиётимиз тарихида парламент назорати институти биринчи марта қомусий мақомга эга бўлди.

Конституциянинг 98-моддасига ўзгартиш киритиш орқали Вазирлар Маҳкамаси зиммасига парламентга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиши, Бош вазир лавозимига номзод Олий Мажлисда унинг номзоди кўриб чиқилаётган ва тасдиқланаётган пайтда ҳукуматнинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тақдим этиши белгилаб қўйилди.

Шу маънода, конституциявий ислоҳотлар “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш учун тегишли ҳуқуқий асосларни яратиб берган бўлса, ушбу қонуннинг кучга кириши миллий парламентаризм ривожи йўлидаги ўта муҳим либерал-демократик қадам бўлди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, фракциялар ва депутатлик гуруҳларининг парламент назорати субъектларига киритилиши давлат қурилишида нафақат парламентнинг, балки сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини ошириш, партиялараро рақобатни сезиларли даражада кучайтириш учун ҳам янада қулай шароит яратди. Зеро, сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлиб, ўз электоратининг манфаатини ифода этиш орқали дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади.

Қонунда ривожланган демократик мамлакатларда кенг қўлланиладиган, айни пайтда парламент назоратининг энг самарали, деб ҳисобланган қуйидаги шакллари аниқ белгиланди.

**Биринчи.** Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросининг бориши тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш. Хорижий мутахассисларнинг фикрига кўра, бюджет устидан ўрнатиладиган парламент назорати – энг кучли назорат турлари сирасига киради.

Қонунда, хусусан, Давлат бюджети лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 15 октябридан кечиктирмай Ҳисоб палатасининг хулосаси билан бирга Олий Мажлис палаталарига киритилиши, фракцияларда, депутатлар гуруҳларида, қўмиталарда муҳокама қилиниши, уларнинг фикрлари ва таклифлари палатанинг мажлисида мажбурий равишда ҳамда ҳар томонлама муҳокама қилиниши, Қонунчилик палатасида уч ўқишда кўриб чиқилиши каби қоидалар белгилаб қўйилди. Давлат бюджетининг қонунда кўрсатилган тартибда кўриб чиқилиши эса минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблигини самарали таъминлашга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасини кузатадиган бўлсак, Буюк Британияда (“Ассигнациялар тўғрисида”ги қонун), АҚШда («Бюджет маблағларининг йиғими ва сарфланишини назорат қилиш тўғрисида”ги ва “Конгресс томонидан давлат бюджети устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қонунлар) ҳукуматнинг молиявий-бюджет соҳасидаги фаолияти устидан парламент назорати асосан уч (маблағлар тушуми, уларнинг сарфланиши ҳамда бюджет ва молия соҳасидаги қонунчиликнинг бажарилиши) йўналишда олиб борилишини, бюджет эса ҳар йили қонун сифатида қабул қилинишини кўришимиз мумкин. Бюджет соҳасида самарали назоратни ташкиллаштириш мақсадида Ҳисоб палатаси, Молиявий ревизор каби институтлар имкониятидан кенг фойдаланилади. Демак, янги қонунимиз халқаро андозаларга ҳам тўла мос келади.

**Иккинчи.** Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш.

**Учинчи.** Эшитувлар (Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи, ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахбороти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, Бош прокурор, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш).

**Тўртинчи.** Сўровлар (парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутати, Сенат аъзосининг сўрови).

**Бешинчи.** Қонунчилик палатаси, Сенат қўмиталари томонидан қонунларни ижро этиш аҳволи, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириш.

**Олтинчи.** Парламент текширувлари. Яъни, қонунда жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатларига дахл қилувчи, мамлакат хавфсизлиги асосларига, унинг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муайян фактларни ёки воқеаларни ўрганиш мақсадида Олий Мажлис палаталарининг қўшма қарори билан парламент текширувлари ўтказилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Ушбу мақсадда парламент палаталари депутатлар ва сенаторлар орасидан комиссия тузади.

**Еттинчи.** Қонунда прокуратура органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш, уларнинг мамлакатда қонунийликни ва қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назоратни олиб бориш бўйича Комиссиясини тузиш масаласи ҳам мустаҳкамланди.

---

# Парламентаризм ривожининг янги босқичи



**Ойбек ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

“Парламент назорати тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Чунки айни йўналишда яхлит қонуннинг қабул қилиниши давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш, миллий парламентаризмни ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаргани билан муҳимдир.

Бутун жаҳонда “ўзбек модели” сифатида тан олинган тараққиёт йўли асосида Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг муҳим таркибий қисми бўлмиш парламентнинг роли, ваколатлари ва назорат вазифаларини кучайтириш бўйича кенг кўламли ишлар изчиллик билан амалга оширилди. Бунда икки палатали парламент тизимига ўтилгани ва Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга ўтказилгани долзарб аҳамият касб этди.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”га мувофиқ 2011-2014 йилларда Бош қомусимизга киритилган ўзгартишлар давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари, шу жумладан, Олий Мажлис ва ҳукуматнинг бошқарув соҳасидаги ваколатларини оптималлаштиришга хизмат қилди.

Президентимиз Асосий қонунимиз қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, бугунги кунда ана шу йўналишда кўплаб ишлар қилинмоқда, аммо даврнинг ўзи, янги конституциявий шароитлар бу борадаги ишларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган ҳуқуқий қонунчилик асосида ташкил этиш ва бажаришни тақозо этмоқда. “Парламент назорати тўғрисида” Қонуннинг қабул қилингани эса кўп жиҳатдан ана шу вазифаларни ҳал этиш имконини берди. Яъни, вакиллик органларининг назорати остида ижро органларининг қонунлар бажарилишини сўзсиз таъминлашдаги масъулиятини кучайтиришга замин яратди.

Янги қонуннинг мақсади парламент назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳокимият тармоқларининг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқадорлигини такомиллаштириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг парламент олдидаги масъулиятини кучайтириш учун қўшимча механизмларни яратишдан иборатдир.

Мазкур қонун Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурида белгиланган давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш ҳамда янада либераллаштириш соҳасидаги устувор вазифаларига тўла мос келади.

---



**Исломжон ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

# Ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди

**“Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган давлатимиз сиёсатининг изчиллигини яна бир бор намойиш этди.**

Март ойида округдаги учрашувларимизда мазкур қонун ишлаб чиқилишининг асосий омиллари, унинг қабул қилиниши натижасида қандай ўзгаришлар юзага келиши хусусида сайловчилар томонидан кўплаб саволлар берилган эди. Шу боис мазкур саволлар жавобига кенгроқ тўхталиб ўтиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Парламент назорати жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниш даражасини аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тамойил ва қоидаларни ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш, қонун ҳужжатларини ижро этиш жараёнида вужудга келган муаммоларни бартараф қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга оид тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Дарҳақиқат, парламент халқнинг вакиллик органи бўлганлиги боис давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари устидан, айниқса, ўзи тайинлайдиган идоралар ва мансабдор шахслар фаолияти устидан муайян назоратни амалга ошириши зарур.

Бугунги кунга қадар парламент қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳи, амалдаги қонунларга мувофиқ, парламент назоратини Қонунчилик палатаси мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан мурожаат этиш, ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала қўйиш, фракциянинг ва депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олиш орқали амалга ошириб келди.

Янги қабул қилинган қонун парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, қонунлар ва давлат дастурларининг ижросини таъминлашда парламент ролини оширишга ҳамда Олий Мажлис палаталарининг назорат фаолиятининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, парламент назоратининг тизимли йўлга қўйилиши, бу механизмнинг самарали фаолият кўрсатиши фаровонликнинг муҳим омили бўлган ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланишига хизмат қилади.

# Дастурий мақсадлар муваффақиятига барчамиз бирдек масъулмиз



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида барча ҳудудларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун туман ва шаҳар партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O‘zLiDeP депутатлари томонидан 2015 йилда 1 минг 344 та инвестиция лойиҳаси ҳамда 21,5 минг кўп тармоқли фермер хўжаликларида янги интенсив боғлар, узумзорларни, хизмат кўрсатиш марказлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича корхоналарини ташкил этиш лойиҳалари ижроси юзасидан жамоатчилик ва депутатлик назорати олиб борилди.

“Мулкдор оила” лойиҳаси доирасида 1000 га яқин иштирокчининг бизнес-режалари молиялаштиришга лойиқ деб топилиб, 420 нафар қатнашчига карийб 11 миллиард сўмлик имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Натижада 1900 та янги ва қўшимча иш ўринлари яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, уларнинг иқтисодий-сиёсий билимларини, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида мутахассислар тайёрловчи олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Келажак фермери” танлови ташкил этилди. Унинг якунларига кўра, 12 нафар талаба O‘zLiDeP ва Фермерлар кенгашининг стипендияси, 17 нафари эса қимматбаҳо мукофотларга сазовор бўлди.

2015 йилнинг 26-27 ноябрь кунлари илк бор Қашқадарё вилоятида O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳамкорлигида “Ватанимиз тараққиёти учун барчамиз бирдек масъулмиз!” шиори остида ҳудудлардан саралаб олинган иқтидорли, ўз фаолиятида юксак марраларга эришган 35 ёшгача бўлган 39 нафар қишлоқ мулкдори ўртасида “Ёш фермер” кўрик-танловининг якуний республика босқичи ўтказилди.

Умуман олганда, ёшлар йўналишида ҳисобот даврида 3460 та тадбир уюштирилди. “Диплом билан – бизнесга”, “Ишбилармон талаба”, “Парламентда менинг ўрним”, “Агар мен депутат бўлсам...”, “Ёш олимлар ва мутахассислар” каби йирик партиявий лойиҳаларда 300 минг нафардан ортиқ ёшлар ва партия фаоллари иштирок этишди.

2015 йилда партиямиз аъзолари 278 388 кишига етди, яъни 30 мингдан ортиқ янги аъзолар сафимизга келиб қўшилди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 351 тага ўсди. Вилоятлар кесимида БПТлар сонининг ўсиши бўйича Қашқадарё, Бухоро, Тошкент вилоятларида нисбатан яхши натижа қайд этилган бўлса, Наманган, Хоразм ва Сирдарё вилоятларида ҳали бу борада кўп иш қилиниши керак.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан ўтган йилда 316 та назорат-таҳлил тадбири амалга оширилиб, маҳаллий ижро ҳокимияти раҳбарларининг 1073 та ҳисобот ва ахборотлари тингланди. O‘zLiDeP депутатлари томонидан йил давомида Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига 682 та таклиф-тавсия киритилиб, уларнинг 402 таси сессияларда муҳокама этилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди. Ҳокимликлар ва ижроия идоралари раҳбарларининг номига партия Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан 3250 та депутатлик сўрови юборилиб, уларнинг 3220 тасига батафсил маълумот ва раҳбар нуқтаи назари баён этилган ахборотлар олинди.

Партиявий-ташкилий ишларни янги босқичга кўтариш ва ижобий натижаларга эришиш учун O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг қарори асосида 2015 йилда илк бор “Энг намунали туман (шаҳар) партия ташкилоти”, “Энг намунали бошланғич партия ташкилоти” ҳамда “Йилнинг энг яхши депутати” кўрик-танлови ташкил этилди. Алоҳида таъкидлаш керакки, бу танловларда 8 мингдан зиёд БПТ, 300 нафардан ортиқ депутат, 194 та туман ва шаҳар Кенгашлари қатнашганлиги унинг катта қизиқишга сабаб бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Йиғилишда эришилган ютуқлар билан бирга ўтган йили йўл қўйилган хато-камчиликлар ҳам рўй-рост айтилиб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил қилинди. Жумладан, Навоий шаҳри, Жиззах, Мингбулоқ, Жомбой, Бувайда, Ҳазорасп, Хива, Сирдарё туманларида 2015 йил давомида бирорта БПТ очилмагани танқид қилинди. Партияга янги аъзоларни қабул қилиш масаласида эса Сирдарё, Бухоро, Хоразм, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида олиб борилган ишлар сустлиги таъкидланди. Халқ депутатлари Қонликўл, Томди, Деҳқонобод, Денов, Булоқбоши, Бувайда, Улуғнор, Мингбулоқ туманлари Кенгашларига O‘zLiDePдан сайланган депутатлар томонидан депутатлик назорати шаклларидан етарлича фойдаланилмаётгани афсус билан қайд этилди.

Сиёсий таълим марказларининг фаолияти деярли барча ҳудудларда қониқарсиз ташкил этилаётганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ваҳоланки, партия учун энг муҳим масала бўлган Сайловолди дастурининг бажарилиши хусусида ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишларни ўрганиш бу борадаги фаолиятни жонлантириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Сайловолди дастурининг иқтисодиётни эркинлаштириш ва бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, айниқса, ахборот соҳасини либераллаштириш соҳасида амалга оширилаётган ишларни талаб даражасида, деб бўлмайди.

Ана шундай танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилиш давомида партиянинг “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

O‘zLiDeP фаоллари ўз фаолиятининг галдаги устувор вазифаларини белгилаб олар экан, асосий эътиборни қуйидаги йўналишларга қаратиш зарур, деган хулосага келишди.

Биринчидан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз туфайли тайёр маҳсулотлар ва хомашё ресурсларига бўлган талаб кескин пасайиб бораётган шароитда иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга кўмаклашиш учун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида тадбиркорлик соҳасида фойдаланилмаётган захираларни ҳаракатга келтириш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш лозим. Зеро, 2030 йилга бориб мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробар ошириш учун партиямиз янада фаолроқ бўлиши талаб этилади. Бугунги кунда ЯИМда хусусий сектор улуши 56,7 фоизни ташкил қилар экан, мазкур вазифа ижросида партиямиз амалий ишлари билан ўзини яққол намоён қилиши керак.

Иккинчидан, иқтисодиётда, аввалам бор, саноат ва қишлоқ хўжалигида туб таркибий ўзгаришларни давом эттириш, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва бу соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларимизни янги босқичга кўтариш зарур. Бу борада O‘zLiDeP депутатлик корпуси зиммасига катта масъулият юкланади. Фракциямиз электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши, амалдаги қонунларни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаши талаб этилади.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва саноатни жадал суръатлар билан ривожлантириш, унинг таркибини янгилаш, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарни ишга тушириш, модернизация ва диверсификация жараёнлари самарадорлиги, иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар устидан таъсирчан жамоатчилик ва депутатлик назоратини олиб бориш, депутатлик сўровлари, депутатлик назорати ва эшитувлари йўналишларини жонлантиришимиз лозим.

Тўртинчидан, муайян соҳаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонун лойиҳаларини ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш, иқтисодиётни янада либераллаштиришга оид қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси соҳасидаги ишларни кучайтириш даркор.

Бешинчидан, оналик ва болаликни муҳофазалаш, аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, оила институтини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш, бу борада фракциянинг парламентдаги қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини таъминлашдаги ўрни ва ролини янада оширишга эришиш керак.

Олтинчидан, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик ва фермерликка жалб этишга қаратилган “Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?” деган эзгу ғоянинг мазмун-моҳиятини ёшларга таниқли ишбилармонлар, нуронийлар, меҳнат фахрийлари иштирокида етказиш, “Диплом билан – бизнесга”, “Келажак фермери” каби лойиҳаларни янада юқори савияда ташкил этиш зарур.

Еттинчидан, Президентимиз қарорлари мазмун-моҳиятини хотин-қизлар орасида кенг тарғиб қилиш, қолаверса, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, касаначиликни ривожлантириш, айниқса, коллеж битирувчиларини, биринчи навбатда, қизларни иш билан таъминлашга қаратилган “Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага” ҳамда “Ишбилармон аёл” лойиҳалари доирасида ўқув семинарлари, маҳорат дарслари, меҳнат ярмаркалари ҳамда кўргазмалар ташкил этиш, шунингдек, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган қизларга, хусусан, коллеж битирувчиларига ҳамкор тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашиш лозим.

Маълумки партиямизда бир анъана шаклланиб, ҳар йил бошида янги партиявий лойиҳаларни эълон қилиш изчиллик касб этиб бормоқда. Шу анъанани давом эттирган ҳолда, 2016 йилда бир қатор янги лойиҳалар эълон қилинмоқда. Бу борада ёшлар йўналишида 8 та, аёллар йўналишида 4 та, бизнес тузилмалар ва фермерлар билан ишлаш йўналишида 4 та, мафкуравий ишлар йўналиши бўйича 4 та, ташкилий-партиявий йўналишда 3 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Кўриниб турибдики, 2016 йилда партия ўз олдига ўтган йилларга нисбатан янада кенгроқ кўламдаги вазифаларни қўймоқда. Бундай устувор вазифаларни бажаришда O`zLiDePнинг ҳар бир фаоли ўрнак бўларли даражада жонбозлик кўрсатиши ва минг-минглаб сайловчиларнинг партияга билдирган ишончини оқлашда муносиб ҳисса қўшиши даркор. Зотан, барчамизнинг мақсадимиз ҳам она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилишдан иборат экан, бу йўлда бор куч-ғайратимизни сарф этган ҳолда мақсадли дастур ва лойиҳаларимизни муваффақиятли амалга ошириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Йиғилишда, шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши аъзолари таркибига айрим ўзгартишлар киритилиб, O`zLiDePнинг 2016 йилдаги бюджети лойиҳаси тасдиқланди.

**Азамат ҚАЛБАЕВ,**
**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари:**

— Ёшларни интернет тармоғидаги бузғунчи контентдан ҳимоялаш, уларда интернет маданиятини шакллантириш ва бу тармоқдан хавфсиз фойдаланиш мақсадида 2015 йилда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида “Хавфсиз интернет” лойиҳаси ва унинг доирасида ҳудудларда “Интернет хавфсизлиги ва интернет маданияти: муаммо ва ечимлар” мавзусида форумлар ўтказилди. Бу тадбирларда интернетнинг тобора оммалашиб, глобал тармоқ фойдаланувчилари сафи кенгайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда аноним сўровнома шаклида тўлдирилган анкеталар асосида социологик тадқиқот ҳам ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг O‘zLiDeP VII Съездидаги “Бизнинг мақсадимиз аниқ ва равшан – ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ва бахтли ҳаёт барпо этиш” номли дастурий маърузасида белгиланган муҳим йўналишлар, партия Сайловолди дастурида назарда тутилган устувор вазифаларни ижро этиш, ёш олимларни илмий-тадқиқот, ижодиёт ва бунёдкорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида “Ёшлар салоҳиятини юксалтириш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусида Республика илмий-амалий анжумани, унинг доирасида “Ёш олимлар ва мутахассислар” танлови Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўтказилгани ҳам 2015 йилдаги муваффақиятларимиз сирасига киради. Эндиги вазифамиз ана шундай лойиҳаларнинг қамровини кенгайтириш ва таъсирчанлигини оширишдан иборат.

**Мухлиса АКРАМОВА,**
**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари:**

— Ўтган йили “Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага” лойиҳаси доирасида 500 га яқин тадбир ташкил этилиб, уларда 17280 нафар хотин-қиз иштирок этди. “Аёллар қаноти” кўмагида банклар томонидан 476 нафар хотин-қизга 9 млрд. 569 млн. 453 минг сўм кредит ажратилиши натижасида 1000 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида, жумладан, энг чекка ҳудудларида ҳам янги қабул қилинаётган қонунлар ва Президент Фармонлари моҳиятини аҳоли қатламларига, биринчи навбатда, электорат вакилларига етказишга қаратилган кенг миқёсли тарғибот-тушунтириш ишлари, туркум ўқув-семинарлар ва амалий тадбирлар ташкил этилди.

Сайловолди дастуримизда ижтимоий-сиёсий, маънавий, гуманитар соҳаларда белгилаб қўйилган устувор вазифаларимизни сифатли ва ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор қаратиб келмоқдамиз. Ўтган йили бу соҳаларда ҳам 12 та партиявий лойиҳа амалга оширилди. Энг асосийси, ушбу лойиҳалар аёлларни, ёшларни, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий турмуш тарзини ўрганиб, уларда сиёсий-ҳуқуқий билимларини шакллантириш мақсадида “Тадбиркорлик тамойиллари – ишбилармонлик имкониятлари”, “Соғлом оила – мустаҳкам оила”, “Фермер аёллар” номли лойиҳалар амалга оширилди. Умуман олганда, “Аёллар қаноти” томонидан 2015 йил давомида 4000 дан ортиқ турли шаклдаги тадбирлар ташкил этилиб, уларда 500 мингдан ортиқ хотин-қизлар иштирок этди.

Биргина “Соғлом оила – мустаҳкам оила” лойиҳаси доирасида 445 та тадбир ташкил этилиб, уларда 25812 нафар хотин-қизлар қатнашди, 14384 нафар аёл ҳамокорларимиз кўмагида бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

**Фармон АМИНОВ,**
**O`zLiDeP Бухоро вилоят Кенгаши раиси:**

— Бугун ўз фаолиятимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввалambор, уни фақат партия тузилмалари олдидаги оддий ҳисобот ва қуруқ расмиятчилик, деб эмас, балки табиий зарурат, муқаррар бир жараён сифатида қабул қилишимиз, ундан тегишли хулоса чиқаришимиз лозим.

Бу нафақат партиявий аъзолик масъулияти, балки ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз, давлат ва жамият ҳаётида эгаллаб турган ўрнимиз, энг муҳими, бизларни шу мақомга муносиб, деб билган минг-минглаб сайловчилар ва электорат, қолаверса, Ватанимиз олдидаги жиддий имтиҳон ҳамдир.

Ҳисобот даврида O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, барча бўғиндаги партия тузилмалари фаолияти Юртбошимиз илгари сурган Концепция талабларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, партия Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш, Президентимизнинг O‘zLiDeP VII Съездидаги маърузасида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури асосида олиб борилди,

Асосий эътибор, белгиланган стратегик мақсадлар, шунингдек, партиянинг амалдаги энг муҳим жиҳати ҳисобланган мафкуравий, ташкилий-кадрлар, электорат, ёшлар ва аёллар билан ишлаш йўналишларидаги вазифаларни тизимли лойиҳалар орқали амалга оширишга қаратилди.

## Халқаро экспертлар эътирофи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

«Nisshin Oillio» компаниясининг халқаро алоқалар департаменти катта менежери Мацуо Дегучи шундай дейди: “Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ўз иқтисодиёти тузилишини босқичма-босқич ва тадрижий асосда тубдан ўзгартиришга эришди. Бу эса янада муваффақиятли ривожланишга мустаҳкам замин бўлди. Айни пайтда эришилган натижаларда Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотлар стратегияси муҳим аҳамият касб этди”.

Давра суҳбатида бевосита иштирок этган сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Нарзулла Жўраев, иқтисод фанлари номзоди Рашид Ҳакимов янги китобда юзлаб ана шундай асосли мулоҳазалар ўрин олганини қайд этиб, бундай фикрлар халқаро майдонда нуфузли деб тан олинган экспертларнинг холис эътирофи эканини алоҳида таъкидлашди.

Мулоқотда ушбу китобнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган мулк тузилишини тубдан ўзгартиришга қаратилган кенг миқёсли чора-тадбирлар хусусида сўз юритилган қисмлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди. Зотан, O‘zLiDeP ўз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, чуқур таркибий ўзгартиришларга кўмаклашиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес манфаатларини ишончли ҳимоялаш, партиянинг қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий ва амалий йўналишлардаги мавжуд салоҳиятини хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокини стратегик асосланган даражагача қисқартириш керак, деб ҳисоблайди.

– Бу китоб O‘zLiDeP электорати ва фаолларига янги куч-ғайрат бағишлаши табиий, – дейди партиямиз аъзоси, тадбиркор Суҳроб Акобиров. – Масалан, ушбу тўпламни қўлимга олишим билан **Жаҳон банкининг ижрочи директори Й.Фриден айтган фикрлар эътиборимни тортди. У Ўзбекистонда мамлакат иқтисодиётида тобора етакчи ўрин эгаллаётган ва янада фаол иштирок этаётган хусусий секторга қаратилаётган эътиборга урғу берган.** 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари қаторида кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш, унинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтириш вазифаси турганлиги долзарб аҳамият касб этишини таъкидлаган. Жаҳон банкидек нуфузли тузилма томонидан берилган баҳо эса Президентимиз олиб бораётган оқилона сиёсатнинг нақадар тўғрилигини яна бир карра тасдиқлайди.

Давра суҳбатида O‘zLiDeP Сайловолди платформаси ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб давлат активларини, биринчи навбатда, чет эллик инвесторларга сотиш вазифасини ҳал қилишга кўмаклашиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқимини кенгайтириш мақсадида O‘zLiDeP ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ишларига бундан буён ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги юзасидан ҳам таклифлар билдирилди.

**Қўшсаҳифа материалларини Озод РАЖАБОВ ва Солиҳ ЗОИР (суратлар) тайёрлади**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан келиб чиқувчи долзарб вазифалар муҳокама қилинди.***



# Электорат манфаатлари акс этган қарор

**Фракция раҳбари Содикжон Турдиев бошқарган** йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар, молия муассасалари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши мутасаддилари, қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий ўқув юртлари олимлари иштирок этишди. Кун тартибидаги масала юзасидан парламент қуйи палатасининг **Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Тўлқин Эшназаров** атрофлича маъруза қилди.

Унинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги туб ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ва яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори эса бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ер майдонларининг оптималлаштирилиши натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди. Фермерлик фаолиятини юритиш учун ер майдонлари ажратиш ва тақсимлашнинг янги механизми жорий этилиб, унга мувофиқ, қарорни туман ҳокими эмас, балки Фермерлар кенгаши ва Ер участкалари тақдим этиш масалаларини кўриб чиқиш комиссияси хулосаси асосида Халқ депутатлари туман Кенгашлари қабул қиладиган бўлди.

Аграр тармоқнинг мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби йўналишлари ҳам жадал суръатларда ривожланяпти. Хусусан, ўтган йили 12 миллион 592 минг тонна сабзавот ва картошка, 1 миллион 850 минг тонна полиз маҳсулотлари, 1 миллион 556 минг тонна узум, 2 миллион 731 минг тонна мева етиштирилди.

Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2015 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса йил давомида нархларнинг ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

2020 йилга қадар айни соҳада фақат давлат инвестиция дастурларига кўра 304 та йирик лойиҳа ва 5000 та янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилиши режалаштирилган. Бу эса йилига қўшимча равишда 100 минг тонна озиқ-овқат саноати маҳсулотлари, 130 хилдаги янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга имкон беради. Мазкур лойиҳаларда янги технологияларни жорий этиш ва хомашёни чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилади ва уларнинг аксарияти қишлоқ жойларида амалга оширилади. Хусусан, ушбу қарорга асосан мамлакатимиздаги қайта ишлаш корхоналарини хомашё ресурслари билан мунтазам таъминлаш, ички истеъмол бозорини йил давомида сабзавотлар, картошка, мева ва полиз маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш, шунингдек, ташқи бозорларда харидоргир ва рақобатбардош бўлган ҳўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун уларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва харид қилиш бўйича ягона тизимни шакллантириш кўзда тутилган.

Фермер ва деҳқон хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозор нархларида давлат буюртмаси орқали харид қилинади ва бунда контрактация шартномалари асосида шартнома қийматининг 40 фоизидан кам бўлмаган миқдорда аванс маблағлари берилади.

Мазкур қарор орқали тижорат банкларига фермер ва деҳқон хўжаликларига мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш учун давлат буюртмаси бўйича бўнак ва якуний ҳисоб-китоблар учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ставкада кредит ресурслари ажратиш тавсия этилди.

Маҳсулотларни харид қилиш бўйича давлат буюртмаси «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси таркибига кирувчи корхоналарни хомашё билан таъминлаш, ички истеъмол бозори учун мева-сабзавот маҳсулотларини захирага ғамлаш, шунингдек, ташқи бозорларга экспорт қилиш белгилаб қўйилди. Маҳсулотларни экспорт қилиш «Ўзагроэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси томонидан хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар, шунингдек, фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар ва қайта ишлаш корхоналари ўртасида тузиладиган комиссия шартномалари асосида амалга оширилади.

Очиқ мулоқот ва қизғин муҳокамалар тарзида ўтган йиғилишда кўплаб мулоҳазалар ўртага ташланди. Жумладан, **O'zLiDeP фракцияси аъзоси Илҳом Носиров** қуйидаги фикрларни билдирди:

— Юқорида тилга олинган қарорга кўра, 2019 йилнинг 1 январигача мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни қайта ишлайдиган хусусий мулк шаклидаги корхоналар, идоравий мансублигидан қатъи назар, замонавий ускуна ва технологиялар олиб киришда божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари), қайта ишлаш корхоналари ягона ижтимоий тўловдан ташқари даромад солиғи, юридик шахслар мулк солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар ягона солиқ, давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилиши соҳани ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Бу, ўз навбатида, солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши ҳисобидан бўшайдиган маблағлардан ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун мақсадли фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Қарорда кўрсатилган вазифалар O'zLiDeP элкторати манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда қайта ишлаш саноатини жадал ривожлантиришни таъминлайди. Бу эса ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириб, аграр секторнинг экспорт салоҳияти ўсишига хизмат қилади, аҳолининг катта қисми даромадларининг ошишига олиб келади. Шунингдек, мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва ташиш соҳасида хизмат кўрсатадиган фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари, маркетинг ва бошқа инфратузилма ташкилотлари ўртасида кооперацияни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини янада такомиллашади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори "2016-2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорнинг узвий давоми ҳисобланади. Биз учун муҳим томони шундаки, ҳар иккала қарорда белгиланган вазифалар партиямиз Сайловолди дастурига ҳамоҳанг бўлиб, электоратимизнинг салмоқли қисмини ташкил этаётган тадбиркор ва фермерлар учун кенг имкониятлар яратади.

— Бугун кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолияти такомиллашиб, қишлоқларга саноат жадал кириб бораяпти, — дейди **O'zLiDeP фракцияси аъзоси Комилжон Эрназаров**. — Энг асосийси, Ўзбекистон ўз аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаётган саноқли давлатлар қаторига кирди. Йил давомида юртдошларимизнинг талаб-эҳтиёжи узлуксиз таъминланаётгани фикримиз далилидир. Эътиборли жиҳати, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари танқислиги кузатилаётган бир шароитда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорти ҳажми кўпаймоқда.

Фракциямизнинг бугунги йиғилишида Президентимизнинг мазкур қарори айни вақтида қабул қилингани эътироф этилди ва ундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди. Хусусан, қарорнинг аҳамияти бўйича тизимли тушунтириш, тарғибот ишларини олиб бориш, унинг ижроси юзасидан парламент ва депутатлик сўровлари институтидан кенг фойдаланишга келишиб олдик.

* * *

*Худди шу мавзудаги тадбир куни кеча Ўзбекистон Фермерлари кенгашида ҳам ўтказилди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан ҳамкорликда ташкил этилган мулоқот тафсилотларини газетамизнинг кейинги сонида ўқийсиз.*

## Қуйи палата қўмиталарида

# Фракция аъзоларининг ташаббуси

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг навбатдаги йиғилишида O'zLiDeP фракцияси аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг айрим моддалари, "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи таклифлар соҳа мутахассислари иштирокида атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокамалар давомида алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг молия тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш ва бозор инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида корпоратив бошқарувни жорий этган ҳолда фаолият юритадиган масъулияти чекланган жамият шаклидаги янги корхоналарнинг ташкил этилиши, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ушбу корхоналарда менеджмент ва маркетинг тамойиллари қўлланилиши соҳага оид қонунчиликни қайта кўриб чиқиш эҳтиёжини юзага келтирмоқда.

Қўмита аъзоларининг фикрича, таклиф этилаётган янги нормаларнинг қонунчиликка киритилиши МЧЖ иштирокчилари (таъсисчилар) томонидан жамият ижроия органи устидан самарали назорат тизими ўрнатилишига, шунингдек, масъулияти чекланган жамиятлар фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади. Модомики, таклиф этилаётган ўзгартишлар корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, масъулияти чекланган жамиятлар аъзоларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ҳамда бундай жамиятларда бошқарув органларининг жавобгарлигини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бибисанем Темирхонованинг айтишича, жорий йилнинг март ойида эълон қилинган Корпоратив бошқарув Кодекси Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосида тузилган комиссия томонидан акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш ва уни тубдан такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қабул қилинган.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, нуфузли экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, амалиётчи ҳуқуқшуносларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда Ишчи гуруҳига Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш тавсия қилинди.

# Жамоатчиликни хабардор қилишнинг самарали усули



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги Алоқа тарихи музейида ўтказилган семинар "Давлат органлари расмий веб-сайтларини ва электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш" мавзусига бағишланди.

Мазкур қўмита раисининг ўринбосари, **O'zLiDeP фракцияси аъзоси Эркин Холбўтаевнинг таъкидлашича,** тадбирнинг асосий мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот технологиялари бўлинмалари, матбуот хизмати ходимларига "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунда белгиланган қоидаларни амалиётда қўллаш юзасидан тегишли тушунча-тавсиялар бериш, расмий веб-сайтлар маълумотларини янгилаб бориш, электрон давлат хизматлари кўрсатишни тартибга солишга услубий жиҳатдан кўмаклашишдан иборат бўлди.

Қайд этиш жоизки, давлат органлари фаолиятининг ошкоралигини таъминлашда электрон хизматлар инфратузилмасини кенгайтириб бориш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу борада расмий веб-сайтлар имкониятларидан оқилона фойдаланиш жамоатчиликни хабардор қилишнинг самарали усули сифатида бутун дунёда эътироф этилган ва тобора кенг тарқалаётган замонавий йўналиш ҳисобланади.

Ушбу қонун талабларига мувофиқ, айни пайтда барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий веб-сайтлари мавжуд бўлиб, уларнинг 50 фоиздан кўпроғи инглиз тилидаги шаклига ҳам эга. Шу билан бирга, давлат органларининг 114 та веб-сайтидан 92 тасида рўйхатга олишни янгилаш, маълумотларни сайт бўйича қидириш имконияти бор. Бу эса фойдаланувчиларга зарур ахборотларни тегишли давлат органларидан автоматик равишда қабул қилишга шароит яратмоқда.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида расмий веб-сайтлар орқали кўрсатилаётган электрон давлат хизматларининг умумий сони 1244 тага етди, — дейди **O'zLiDeP фракцияси аъзоси Расул Кушербаев.** — Шундан 802 таси маълумот олиш бўлса, 442 таси интерактив хизматлардир.

Семинар давомида электрон хизматларни кўрсатишда давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш, аризачи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини янада қисқартириш, идоралараро электрон шаклдаги ахборот алмашиш тизимини оптималлаштириш бўйича ижроия органларига тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

## Кучли фуқаролик жамияти сари

**Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани сингари Навоий вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган мазкур жараён давомида 343 та маҳалла раиси ва уларнинг 3 минг 770 нафар маслаҳатчилари сайланади.**

**Партиямиз фаолларининг қуйидаги фикрлари ана шу сайлов юзасидан олиб борилаётган изчил тайёргарлик ва уни ўтказишга Кўмаклашувчи комиссия фаолияти хусусида.**

# Халқ дарди билан яшайдиган инсонлар

**Абдумажид ЖЎРАЕВ,**

**Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, мазкур Кенгаш ҳузуридаги Кўмаклашувчи комиссия аъзоси:**

— Ушбу сайловнинг асл моҳияти, муайян ҳудудда истиқомат қилувчи фуқаролар зиммасидаги масъулият шундаки, улар маҳалла раиси ва маслаҳатчиларини сайлаш чоғида адашмасликлари зарур. Зеро, сайланадиганлар белгиланган муддатда шу маҳалланинг бугуни ва эртаси, аҳоли бандлиги ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш борасида ғамхўрлик қиладиган ташкилотчи, ишбилармон, сиёсий жиҳатдан ҳушёр. Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ дарди билан яшайдиган инсонлар бўлиши лозим.

Ошкоралик, муқобиллик ва тенглик принциплари асосида ўтадиган сиёсий тадбирга Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар асосидаги тайёргарлик юмушлари аллақачон бошлаб юборилган. Сайловолди ташвиқот-тарғибот ишларининг самарадорлигини таъминлаш ҳамда бу борада ОАВ воситалари орқали аҳолининг хабардорлик даражасини ошириш мақсадида "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари масъуллигида матбуот гуруҳи шакллантирилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалаларини кенг ёритиш, Кўмаклашувчи комиссия аъзолари ва мутасаддиларнинг мавзуга оид доимий чиқишларини ташкил этиш бўйича вилоятда фаолият кўрсатаётган 42 та оммавий ахборот воситаси, жумладан, 29 та газета, 6 та журнал, 7 та телерадиоканал, шунингдек, 15 дан зиёд республика нашрларининг вилоятдаги мухбирлари иштирокида медиа-режа ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг очиқлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли" мавзусидаги республика семинар-тренингида навоийлик журналистларнинг ҳам малакаси оширилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Кўмаклашувчи комиссия раиси Бахтиёр Бозоров ва комиссия аъзолари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Нормурод Исоқов иштирокида вилоят телевидениесида икки маротаба очиқ мулоқот, бир маротаба матбуот анжумани ўтказилди. Газеталарда айни кунгача сайловга оид 46 та мақола чоп этилиб, 15 дан зиёд кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилди. Бундан ташқари, **navoi.uz, dustlikbayrogi.uz, znamyanavoi.uz** ва бошқа расмий веб-сайтларга сайлов билан боғлиқ барча медиа-маҳсулотлар мунтазам жойлаштириб борилмоқда.

**Меҳриддин АЗИМОВ,**

**Маънавият тарғибот марказининг Қизилтепа туман бўлими раҳбари, O'zLiDeP фаоли:**

— Мазкур сайловлар давомида туманимиз бўйича жами 55 та фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 550 нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. Унга тайёргарлик кўриш ва уюшқоқлик билан ўтказишга Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси қарорига кўра ташкил этилган Кўмаклашувчи комиссия ва жойларда тузилган ишчи гуруҳлари масъулдир. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий филиали ва ННТлар вакиллари иштирокида сайлов қонунчилиги, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир вазифалар, шунингдек, сайловни ўтказиш тартиби билан аҳолини кенг таништириш мақсадида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамияти мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилаётир. Ҳар бир қишлоқ ва шаҳарчалардаги маҳалла фуқароларининг вакиллари сайлови бўйича ўтказилаётган умумий йиғилишларда сайловга оид тарғибот ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Қонун талаблари асосида маҳалла раиси (оқсоқоли) лавозимига номзод кўрсатиш чоғида унинг 5 йилдан кам бўлмаган муддатда мазкур МФЙ ҳудудида яшаганлиги, оилавий аҳволи, ҳаётий тажрибага эгалиги, маълумоти, хулқи, одоби, юриш-туриши, сиёсий жиҳатдан етуклиги, ва айни пайтда маҳаллада истиқомат қилаётганлар турмуш тарзи билан яқиндан таниш бўлган муносиб номзодларни танлаш лозимлиги хусусида тушунчалар берилаётир.

Энг асосийси, "Бугун биз раис (оқсоқол)ликка кўрсатаётган номзод эртага ишончни оқлай оладими?", "Маҳалла инфратузилмасини ривожлантиришга оид режалари борми?" сингари саволларга тўла жавоб бера оладиган номзоднигина танлаш сайловчилар зиммасидаги катта масъулият эканлигига эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугун маҳалла аҳли танлаган раис зиммасига маҳалланинг эртаси учун жавобгарлик масъулияти юклатилади.

**"XXI ASR" мухбири Мансур АСЛОНОВ ёзиб олди**

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА



«XXI ASR» 16 (648)-son, 2016-yil 21-aprel, payshanba

## АМАЛИЙ ИШЛАР НАМУНАСИ

■ Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr» мухбири



**Бошланғич партия ташкилоти фаолияти тўғри йўлга қўйилган жойда ғоявий-сиёсий ишлар таъсирчанлиги, партиянинг одамлар ўртасида нуфузи ортади, тарафдорлар сафи кенгаяди. Тадбиркорларга ислоҳотлар моҳиятини тушунтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, соҳага оид билим ва малакаларини мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат маданиятини ошириш, ёшларни юрт равнақи, эл фаровонлигига хизмат қилувчи эзгу ишларга даъват этишда қуйи бўғинлар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, O'zLiDeP Касби туман Кенгаши таркибига кирувчи таянч тузилмалар томонидан ҳам талай ибратли ишлар амалга оширилаётир.**

— Туманимизда 55 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, 909 аъзони бирлаштирган, — дейди туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Жўра Суяров. — Якунланган ҳисобот-сайлов йиғилишларида БПТларнинг партия маҳаллий ташкилоти ҳамда депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш борасида ҳам асосли таклифлар билдирилди. Бу бежиз эмас. Фаоллар мазкур масалага тобора кўпроқ эътибор беришяпти. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида БПТ йиғилишларида тадбиркорлар ва фермерлар дуч келаётган тўсиқлар, шунингдек, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга оид йигирмага яқин масалалар атрофлича муҳокама этилиб, депутатлик гуруҳимиз аъзолари кўмагида ўз ечимини топди.

Дарҳақиқат, шундай. "Олим" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси бошланғич ташкилоти етакчиси Турди Холмуродов партия туман, вилоят Кенгашлари мажлисларида сўзга чиқиб, жойлардаги масалаларни бартараф этишнинг мақбул ечимларини ўртага ташлаяпти. Ҳозирга қадар мазкур қуйи бўғинга келиб тушган ўнта мурожаатнинг барчаси ижобий ҳал этилганлиги унинг ишчан етакчи ва изланувчан депутат сифатида фаол иш олиб бораётганлигидан далолат беради. Жумладан, Оқжангал қишлоғида яшовчи сайловчилар ичимлик сув таъминоти қониқарсиз аҳволдалигини билдириб, бу борада ёрдам сўрашганди. БПТ раиси вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига сўровнома билан чиққач, муаммо ижобий ҳал этилди.

Майманоқ қишлоғи кўчалари таъмирталаб бўлиб қолганлиги аҳоли мурожаатларида акс этди. Депутат ва партия фаоллари саъй-ҳаракатлари билан қишлоқ йўлларини таъмирлаш ишлари туманнинг жорий йилги дастурига киритилди.

"Юрт ризқи" МЧЖдаги қуйи тузилманинг 60 аъзоси бор. Ўтган йилги йиғилишларнинг бирида БПТ етакчиси Эсон Бозоров бир неча маҳалланинг фаоллари замонавий тиббиёт маскани қуриш таклифи билан чиққанликларини билдирганди. Партиядошларимиз бу масалада депутат Нарсулло Худойбердиевга мурожаат қилишди. Орадан кўп ўтмай "Касби мадад шифо" ташхис ва даволаш маркази бунёд этила бошланди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйи арафасида касбиликларга туҳфа этиладиган ушбу шифо маскани 30 ўринли бўлиб, энг сўнгги русумдаги тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 74 та янги фермер хўжалиги ташкил этилиб, уларнинг сони 1106 тага етди, — дейди туман Фермерлар кенгаши раиси ўринбосари, шу ердаги қуйи ташкилот раиси Жасур Ҳусаинов. — 104 та кўп тармоқли фермер хўжалиги бор. Йил охирига қадар яна 58 таси фаолият юрита бошлайди. Асосий эътибор замонавий технологиялар негизида маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилмоқда. Жорий йилда 88 та чорвачилик, 34 та паррандачилик, 12 та баликчилик, 10 та боғдорчилик, 8 та узумчилик, 14 та сервис хизмати бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун 14 млрд. сўмга яқин маблағ йўналтирилади. Ижобий ўзгаришларда партиямиз вакилларининг ҳам муайян ҳиссаси бор. Жумладан, депутатлар ва БПТ раислари амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича жамоатчилик назоратини юритаётганлиги яхши самара бераяпти. Масалан, қуйи бўғинимиз фермерларнинг ўтган йил етиштирган пахта ҳосилига тегишли маблағни туман пахта тозалаш заводидан давлат божисиз олиб берилишига ёрдамлашди.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, қуйи бўғин йиғилишларида экинларни электр насослари ёрдамида суғораётган фермер хўжаликларига имтиёзлар бериш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун электр қуввати ва табиий газ таъминотини яхшилаш, иссиқхоналар учун биогаз ишлаб чиқариш, қуёш батареяларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш борасида бир қанча таклифлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этишда кўмаклашиш учун туман Кенгашига тақдим этилди.

Туман "Ягона дарча" маркази раҳбари, БПТ етакчиси Ўткир Жўраевнинг айтишича, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш учун фаоллар бор имкониятларини ишга солаяпти. Туманда 6488 та тадбиркорлик субъекти мавжуд. Шу йилнинг биринчи чораги мобайнида 247 та янги корхона, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари рўйхатдан ўтказилди. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида 16 турдаги хизмат бўйича идоралараро электрон ҳамкорлик тизими йўлга қўйилган.

Байдақчи қишлоғидаги "Жабборов Алланазар Жабборович" фермер хўжалигида тузилган қуйи бўғин етакчиси, фермер Ботир Жабборовни ҳамқишлоқлари "Ботир либерал" деб аташади. Унинг айтишича, хўжаликда бошланғич ташкилот фаолият бошлаганидан сўнг ишловчиларнинг сиёсий фаоллиги ошиб, эришаётган ютуқлар салмоғи ортган. Қишлоқда 550 оила яшайди. Йил сайин тадбиркорлик ривожланиб, аҳолининг бандлиги ва фаровонлиги яхшиланиб бормоқда. Маслакдошимиз ташаббуси билан бир неча хонадонда иссиқхона қурилиб, сабзавот ва цитрус мевалар етиштириш йўлга қўйилгач, шу иш бошини тутганлар бугунги кунда ўзига тўқ инсонларга айлангани бор гап. Бугун ҳар уч оиланинг биттасида иссиқхона бор. Шу туфайли одамлар турмуш фаровонлиги ортаяпти.

Байдақчилик ҳаммаслакларимиз янги-янги ташаббуслар билан чиқишаяпти. Мевани қуритиб, қадоқлаш, сабзавот ва сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш борасида талай лойиҳалар амалга оширилаяпти. Ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига янги технологиялар учун банк кредитлари олишда имтиёзлар бериш тўғрисидаги таклифлари эса туман Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибидан ўрин олди.

— БПТ хоналарини кўргазмали воситалар, қўлланмалар билан таъминлашни янада яхшилаш борасида таклифлар билан чиқдик,— дейди Жўра Суяров суҳбатимизга якун ясар экан. — Кўргазмали материаллар бошланғич ташкилотларимиз фаолияти самарадорлигини ошириб, тарғибот ишлари таъсирчанлигини кучайтиришга кўмаклашади. Шиддати тез замон жамиятдаги ислоҳотларни жадаллаштириш, мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини юксалтиришдек муҳим вазифаларни олдимизга қўяётган бугунги кунда партиямиз фаоллари ва етакчилари ҳозиржавоб, ташкилотчи бўлишлари зарур. Ҳар чоракда махсус семинарлар ташкил этиб, қуйи бўғинга оид ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилмоқчимиз, илғор БПТлар фаолиятини оммалаштиришга оид долзарб масала-

---

**O`zLiDeP ДАСТУРИДАН**

Хусусий мулк ҳимоя қилиниши, хусусий ташаббуслар қўллаб-қувватланиши, рақобат, ғоялар ва янгиликлар бозори ривожланиши, энг яхши ечим учун кураш туфайли бозор иқтисодиёти жадал тараққиётни, мустақил ҳаёт учун энг мақбул имкониятни таъминламоқда.

Партиянинг ушбу соҳадаги устувор вазифаси — хусусий мулкчилик етакчи ўрин тутган мамлакатнинг кўп қиррали иқтисодиётини янада ривожлантириш бўлиб қолмоқда.

---

## Ҳунарманд маслакдошларимиз ташаббуслари

■ Асхор ИСТАМОВ,
«XXI asr» мухбири

***«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмасининг Бухоро вилоят бўлимида тузилган O`zLiDeP бошланғич ташкилоти фаоллари ўтган йилда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишида жойларда, жумладан, Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган уста ва ҳунармандларнинг иш шароитини яхшилаш, соҳа ходимлари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, улар орасида олиб борилаётган партиявий тарғибот-ташвиқот ишлари савиясини янада яхшилаш юзасидан бир қатор ўринли таклифларни ўртага ташлашган эди. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида ана шундай таклифларнинг амалга қанчалик татбиқ қилинганлиги хусусида ҳам сўз юритилди.***

— Моддий ва номоддий маданий мерос намуналарини, қадимий ҳунармандчилик мактабини қайта тиклаш орқали кичик бизнесни ривожлантиришга ҳисса қўшишни, шу билан бирга, O`zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифаларини бажариш учун қатъий режа асосида иш олиб боришни маслакдошларимиз ўз олдиларига асосий вазифа қилиб белгилаган, — дейди БПТ етакчиси, «Олтин мерос» халқаро жамоат фонди вилоят бўлинмаси раҳбари Зулайҳо Каримова.



*Дарҳақиқат, БПТ аъзолари яқин ҳудуддаги корхона, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчилари ва ходимлари иштирокида юзма-юз мулоқотларни ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, улар шаҳардаги "Навоий", "Жалол Икромий" ва "Мирзо Улуғбек" маҳалла фуқаролар йиғинлари, шунингдек, бир қанча корхона ва ташкилотларда бўлиб, Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтиришмоқда.*

*Бугунги кунда вилоят марказида 500 нафар киши ҳунармандлик билан машғул. Эътиборлиси, уларнинг энг пешқадамлари тилга олинган қуйи бўғин аъзоларидир. Моҳир кандакор Зайнаб Жўраева, тажрибали кулол Майрам Нашванова, машҳур кашта тикувчи Зарина Ҳамроева, қўлда тўқиш устаси Лилия Шамсиддинова ва бошқа маслакдошларимиз саъй-ҳаракати билан Бухоро шаҳридаги 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун ҳар ҳафтада икки марта назарий ва амалий машғулотлар йўлга қўйилган.*

*Кандакорлик сир-асрорларини пухта ўрганишга қатъий аҳд қилган тарбияланувчилардан бири Даниэль Журавлёвдир. У яратган буюмлар ўтган йили вилоят ва шаҳар миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда биринчи ўринга лойиқ топилгани қувонарлидир.*

*БПТ аъзолари ўтган давр ичида хусусий сектор вакилларининг бизнес юритиш билан боғлиқ билим, савия ва кўникмаларини ошириш мақсадида «Тадбиркор аёл» уюшмасининг вилоят бўлими ҳамда O`zLiDeP вилоят Кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан интерфаол усулда ўтказилаётган давра суҳбатлари, ўқув-семинарлар ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Ушбу назарий ва амалий машғулотларда олинган билимлар жойларда партиявий тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини оширишда ҳам қўл келаяпти. Ўқувлар давомида тарафдорларимиз, хусусан, тадбиркор ва ҳунармандларнинг O`zLiDeP дастурий мақсадлари, ушбу сиёсий куч томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги тасаввури кенгайиб бораяпти. Ташаббускор ва серғайрат партиядошларимиз сони ортмоқда. Зеро, бугунги кунда Бухоро шаҳрида ўз атрофига 1657 нафар партия аъзосини бирлаштирган 60 та БПТ фаолият олиб бормоқда.*

*Барча илғор қуйи бўғинларда бўлганидек, З. Каримова етакчилигидаги БПТ аъзолари ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишини ташкил қилишга масъулият билан ёндашишди. Фаоллар тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш, маслакдошлар сафини кенгайтириш, партия шаҳар ва вилоят Кенгашлари, Халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи билан бирgaликда жойлардаги айрим муаммоларга ечим топишда илгаригидан ҳам фаолроқ иштирок этиш, «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш борасида истиқболдаги вазифаларни белгилаб олдилар.*

---

## Ёшлар форуми

**O'ZLIDEP ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲАМДА ОҲАНГАРОН ТУМАН КЕНГАШЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ҲУДУДДАГИ ФАОЛ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР САЪЙ-ҲАРАКАТИ БИЛАН "КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК? ЭРТАГА КИМ БЎЛИШИМИЗ, ҚАНДАЙ ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШИМИЗ КЕРАК?" МАВЗУСИДА ЁШЛАР ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

**Тадбирда партия пойтахт вилоят Кенгаши раисининг ўринбосарлари, туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари, БПТ раислари ҳамда талаба ёшлар иштирок этишди.**

Маърузачилар давлатимиз раҳбарининг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли янги асарининг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида атрофлича сўз юритдилар. Таъкидланганидек, халқимиз босиб ўтган мураккаб ва шонли йўлни, эришилган ютуқлар омилларини катта билим, бой ҳаётий тажриба асосида чуқур таҳлил этиш муаллифнинг Ватанга чексиз меҳр-муҳаббати ва садоқат туйғуси билан уйғун бўлиб кетгани китобнинг ҳар бир саҳифасида яққол сезилиб туради.




Шунингдек, сўзга чиққанлар тўпланганлар эътиборини турли ахборот воситалари, айниқса, интернет орқали ёшларнинг онгига, дунёқарашига салбий таъсир этувчи хуружлар бўлаётгани, бинобарин, ҳар лаҳза огоҳ ва ҳушёр бўлиш зарурлигига қаратдилар. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 19 миллиондан ортиқ киши умумжаҳон тармоғидан фойдаланаётгани, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этиши қайд этилди.

Мулоқот мобайнида аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларнинг изчиллигини, самарадорлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаш билан бирга, уларни диний-экстремистик кучлар таъсиридан ҳимоялаш масалалари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Семинар якунида мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, ёшларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни партия лойиҳаларида фаол иштирок этишга жалб этиш, учрашув, давра суҳбатларида бу мавзуни мунтазам тарғиб этиш юзасидан партия тузилмалари, депутатлар зиммасига аниқ вазифалар юкланди.

**O'zLiDeP Тошкент вилоят Кенгаши Матбуот хизмати**

---

## Сариосиёда янги БПТ

**Сариосиё туманидаги «Аббосбек-Абад» хусусий корхонаси раҳбари Нигора Искандарова 2009 йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланади. Фаолиятини савдо дўконида икки нафар ишчи билан бошлаган тадбиркор аёл умумий овқатланиш, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш субъектларини ташкил қилиб, яна 9 та иш ўрни яратди.**

— Муҳтарам Юртбошимизнинг тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, олға қадам босишга даъват этишлари мулкдорлар учун катта имкониятдир. Шахсан менинг эришган барча ютуқ ва муваффақиятларим ана шу ғамхўрлик шарофатидан, деб биламан. Ватан тараққиётига, маҳаллам фаровонлигига баҳоли қудрат ўз ҳиссамни қўшиб келаётганимдан мамнунман, — дейди Н. Искандарова.

У 2014 йилда «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида 3-ўрин, 2015 йилда 2-ўринни эгаллади. 2016 йилда эса «Энг яхши тадбиркор аёл» номинациясида ғолиб бўлди.

Н.Искандарова 2010 йилда O`zLiDePга аъзо бўлган. Яқинда эса корхонада БПТ ташкил этилиб, унга 9 нафар ишчи-ходим аъзо бўлиб кирди. Маслакдошлар электоратимиз вакилларини партиявий воситалар билан қўллаб-қувватлашни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар.

**Д.РАҲМОНОВА,**
**O`zLiDeP Сурхондарё вилоят Кенгаши масъул ходими**

# “ОЧИҚ МУЛОҚОТ”: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ташаббуси билан ўтказиб келинаётган очиқ мулоқотларнинг бу галгиси ҳам юқори савияда, ишчан руҳда ўтди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик соҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳимоя қилишга бевосита алоқадор бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлардан вакиллар қатнашган мазкур тадбирда, учраётган айрим муаммоларга ечим излаш борасида аниқ амалий саъй-ҳаракат кўрсатиш баробарида самарадорликни ошириш, меҳнат унумдорлигига эришиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди.**













Сал кам уч соатдан зиёдроқ давом этган мулоқот вақтида аввалдан газетада, интернетда эълон қилинган иккита телефон рақами мурожаатлар учун ишлаб турди. Берилган ҳар бир савол назардан четда қолгани йўқ – муаммоли вазият бўйича назорат қилувчи ёки юқори турувчи идора вакилининг аниқ изоҳ бериши таъминланди. Масалан, қўйилган савол махсус ўрганишни, кенгроқ билишни тақозо қилса, мурожаат қилувчи билан унга масъул томоннинг алоқа ўрнатиши учун шароит яратилди.

“Очиқ мулоқот” кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликларини ишончли ҳимоясини таъминлаш, бу борадаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш, яратилган шарт-шароит, имтиёз ва преференциялардан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланди.

Хўш, ушбу тадбир ўз олдига қўйган мақсадига эришдими, умуман, бундай турдаги учрашувларнинг қандай фойдали жиҳатлари бор, деган савол туғилиши табиий.

Бугун ишбилармонлик, фермерлик йўлидан дадил бораётган сафдошларимиз мана шундай мулоқотлар орқали соҳада яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар ҳақида янада тугал билиб олишлари мумкин. Энг муҳими, ҳуқуқий йўналишда ҳам, иқтисодий йўналишда ҳам давлатимиз тадбиркорга, фермерга камарбаста экани жонли мулоқот давомида яққол кўзга ташланди.

Қолаверса, мазкур анжуман Президентимизнинг “Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори матбуотда эълон қилинган кунларда ўтказилгани боис, барча иштирокчиларнинг руҳиятида ўзига хос кўтаринкилик, шодмонлик кайфияти бор эди. Эслайлик, бундан 25 йил аввал бирор маҳсулотни экспорт қилиш у ёқда турсин, ҳатто ўз ички бозорини мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмаган (!) мамлакат бугун қаддини тиклади, эндиликда сархил меваларию ширадор полиз маҳсулотлари билан хориж бозорларини забт этмоқда.

Мулоқот давомида, шунингдек, эндиликда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бирига айланган ва айни пайтда жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизини ишлаб чиқараётган, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи меҳнат қилаётган тармоқ субъектларини янада кенгроқ қўллаб-қувватлаш, хусусий сектор ривожига тўғаноқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

**O‘zLiDeP** Сайловолди дастурида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркор ва фермерлик фаолиятини ривожлантириш, улар манфаатини ҳимоя қилиш ҳамда бу борадаги бошқа муҳим вазифаларни бажаришга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифаси белгиланганлиги барчамизга маълум.

Ана шу мақсадда партия тузилмалари томонидан тадбиркор ва фермерларнинг 710 дан зиёд ёзма мурожаатлари депутатлик корпуслари иштирокида ўрганиб чиқилиб, тегишли ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни ривожлантириш йўлида барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатда бизнес юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва ошкоралигини таъминлашга қаратилган “Қулай бизнес муҳит” партиявий лойиҳаси доирасида 4,5 мингта тадбиркорлик субъекти ўрганилди. Унга кўра инфратузилма, банк ва кредит, маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, солиқ ва бошқа назорат органлари фаолияти билан боғлиқ бир қатор масалалар партиявий ва депутатлик назорат-таҳлил фаолияти орқали ижобий ҳал этилишига эришилди.

Иштирокчилар томонидан фермер хўжаликлари бугунги кунда ўз фаолиятини қулай муҳит ва банкларнинг молиявий кўмаги орқали янада кенгайтирганлиги, ажратилаётган кредитлар миқдори йилдан-йилга ортиб бораётганлиги қайд этилди.

Жонли мулоқот давомида тадбиркор ва фермерлик фаолиятига ноқонуний аралашиш, банк кредитларини бериш тартиб-қоидаларини янада соддалаштиришга оид янгиликлар, ҳуқуқий шарт-шароит, хусусида батафсил тушунчалар берилиб, ўзаро фикр алмашилди.

Қизғин мулоқот чоғида фермерлар ўзларини ўйлантираётган 120 тадан зиёд савол ҳамда мурожаатларга бевосита тегишли идора ва муассаса масъуллари томонидан жавоблар олишди.

**Савол:** — *Туманимиздаги “Агробанк”ка борганимда, мен фақат “Халқ банки”дан кредит олиш имкониятим борлиги, ўша банкка бириктирилганимни айтишган эди. Коллеж битирувчиси сифатида ўзим истиқомат қилаётган тумандаги хоҳлаган банкдан имтиёзли кредит олишим мумкин эмасми? Қолаверса, бугунги кунда коллеж битирувчиларига тижорат банклари томонидан бу борада қандай қулайликлар яратиляпти?*

**Шерзод Примов,**
**Бўка тумани.**

**Жавоб:** — Ҳозирги пайтда коллеж битирувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида республикамиздаги банклар томонидан ягона тартиб жорий этилди. Яъни, уларга бериладиган кредит йиллик 9 фоиз этиб белгиланди. Коллеж битирувчиларини банкка бириктиришдан мақсад тижорат банклари томонидан коллеж битирувчиларига махсус дарслар ташкил этамиз. Дарс жараёнида кредит олиш учун қандай бизнес лойиҳалар кераклиги, унинг йўл-йўриқлари тушунтирилади. Сиз коллеж битирувчиси сифатида туманингиздаги хоҳлаган банкдан кредит олиш ҳуқуқига эгасиз.

**Зафар Азимов,**
**Марказий банк ходими.**

**Савол:** — *Фермер хўжалигининг захирага қайтарилган ер майдонларини шу фермернинг яқин қариндошига янги ташкил этилган фермер хўжалиги тузиш орқали ўтказиб бериш мумкинми?*

**Турғун Кенжаев,**
**Денов тумани.**

**Жавоб:** — “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бирорта ҳам моддасида янгидан фермер хўжалиги ташкил этишда чекловлар белгиланмаган. Фермер хўжалиги раҳбарининг яқин қариндоши бу ерни тендер танловида ҳаққоний ўзига тегишли бўлган мулки билан қатнашиб, салоҳиятга яраша балл тўплаб, ютиб олган бўлса, бундай ҳолатда унинг ютуқларига тўсқинлик қилиниши мумкин эмас. Аввалги фермернинг яқин қариндоши ушбу ерни тендер танлови орқали ютиб олиб, фермер хўжалиги ташкил этиши қонуний.

**Нодир Жўраев,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош Прокуратураси**
**ходими.**

**Савол:** — *Мен янги ташкил қилинган фермер хўжалиги раҳбариман. Мендан олдин шу контурда фаолият юритган, ҳозирги кунда тугатилган фермер хўжалиги банкдан қарздор экан. Мен тугатилган фермернинг ерини тендер танлови орқали ютиб олиб, иш бошладим. Энди унинг қарздорлиги қандай тартибда ундирилади?*

**Хўжақул Ҳусанов,**
**Қумқўрғон тумани.**

**Жавоб:** — Республикамиз бўйича деярли барча фермер хўжаликлари билан банклар ўртасида кредит шартномаси тузилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 320-моддасига кўра, бу шартномалар давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битимга киради. Фуқаролик кодексининг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартлари ва қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ бажарилиши лозим. Яъни, кредитни қайси фермер олган бўлса, фақат у тўлаши шарт. Ушбу кодекснинг 237-моддасига кўра, шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга, яъни туман ҳокимининг бирорта масъул мансабдор шахси ёки банк маъмуриятининг аралашуви билан тугатилган фермернинг қарзини янги ташкил қилинган фермерга ўтказишга йўл қўйилмайди.

Банк билан мижоз, яъни тугатилган фермер ўртасида тузилган қарз шартномаси юзасидан келиб чиқадиган муаммоли ишлар фақатгина хўжалик судларига даъво аризаси киритиш йўли билан ҳал этилади.

**Зайниддин Якубов,**
**“Халқ банки” ДАТ кредитлаш департаменти мутахассиси.**

**Савол:** — *2013 йили туманимиздаги Гулбоғ қўрғони маҳалласи ҳудудида жойлашган савдо дўконим огоҳлантиришсиз бузилди. Бу ҳолат бўйича мутасаддиларга мурожаат этсам, улар икки ой муддат ичида бозор ҳудудидан дўкон қуриш учун жой ажратилишини маълум қилишган бўлса-да, ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Энг қизиғи, бузилиб кетган дўкон менга қарашли бўлганлиги учун 1 млн. 200 минг сўм миқдорида қарздорлик ҳам белгиланди. Бу масаланинг қонуний ечими борми?*

**Гулчеҳра Ғуломова,**
**тадбиркор.**
**Паркент тумани.**

**Жавоб:** — Ушбу соҳани тартибга солишга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги қарори билан тасдиқланган “Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низом мавжуд. Ушбу Низом талабларига кўра, фуқаролар ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй, ишлаб чиқариш иморатлари, бошқа иморатлар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкаси олиб қўйилган ҳолда унга аввалгисига тенг қийматли мол-мулк берилиши ва ер участкаси давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида етказилган зарар тўлалигича қопланиш шарт.

Шунинг учун, ўзингизга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган савдо дўкони биноси бузилиши натижасида келтирилган зарарни (компенсация) ундириш ҳуқуқига эгасиз.

**Отабек Ибрагимов,**
**Адлия вазирлиги етакчи мутахассиси.**

*(Таҳририят изоҳи: мулоқот тугагач, фуқаро Г.Ғуломованинг ушбу масалага оид ёзма мурожаати Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан қабул қилинди)*

**Савол:** — *Фермер хўжалигим ҳудудида ноқонуний уй, молхона, товуқхона қуриб олган фуқарони бошқа жойга кўчириш бўйича хўжалик судига мурожаат қилгандик. Лекин орадан, мана уч ойдан кўпроқ муддат ўтган бўлса-да аниқ натижа йўқ. Айни пайтда далада ҳеч нарса экиб бўлмаяпти. Унинг товуқ ва моллари экинимизга зарар келтираяпти. Бу борада қандай йўл тутишим керак?*

**Қаҳрамон Аҳмедов,**
**“Тепатоғ меваси” фермер хўжалиги раҳбари.**
**Жиззах тумани.**

**Жавоб:** — Берган маълумотингизга кўра, уларнинг ушбу жойда истиқомат қилиши учун ҳеч қандай ҳужжат йўқ, бу одамлар сизнинг ер майдонларингизни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси тартибига кўра, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер фуқаронинг ўзининг қўли билан бузиб олиниши керак. Лекин бунга албатта, суднинг ҳал қилув қарори қабул қилиниши лозим. Кейин ижро органи орқали бу муаммо бартараф этилади.

**Чорихон Қодиров,**
**Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ҳуқуқшуноси.**

**Савол:** — *Туман ҳокими турмуш ўртоғим номидан ариза ёздириб олиб, фермер хўжалигимизни тугатиш тўғрисида қарор чиқарди. Шу қонуний жиҳатдан тўғрими? Сизлардан илтимос, исми-шарифимни айтиш шарт эмас.*

**Фермер хўжалиги раҳбари,**
**Иштихон тумани.**

**Жавоб:** — Сизнинг номингиздан турмуш ўртоғингизнинг ариза ёзиб бериши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўради. Фермер хўжалиги раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш таъқиқланади. Қонунда назарда тутилган ҳолатлар эса бундан мустасно. Бундай ҳолатда агар фермер хўжалигини тугатиш ҳақида туман ҳокими қарори чиққан бўлса, ушбу қарор ноқонуний ҳисобланади ва даъво ариза киритилса, суднинг ҳал қилув қарорига кўра бекор қилинади.

**Ч. Қодиров,**
**ҳуқуқшунос.**

**Савол:** — *Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган махсус Дастурга асосан 2010 йилда Польшадан 20 бош қора мол олиб келинган эди. Ветеринар бўлганлигим боис, 10 бош қорамолни парваришлаб, наслини давом эттириш менинг зиммамга юклатилиб, фермер хўжалигимиз учун 10 гектар ер майдони ажратилганди. Ҳозирги кунда наслдор моллар сони 80 бошга етди. Ҳар бир соғин сигирдан кунига 72 литр сут соғиб олиняпти. Бириктирилган ер майдонига эса режага биноан бошқа экин экаяпмиз. Чорва молларига қўшимча майдон ажратишда кўмак берсангизлар.*

**Рашид Хурсандов,**
**“Бойсун — Тангир ҳовуз” фермер хўжалиги раҳбари,**
**Бойсун тумани.**

**Жавоб:** — Маълумки, Президентимиз фармонига биноан ҳар бир четдан келтирилган қорамол учун водий зонасида 30, воҳада 40 сотихдан ер майдони ажратилиши кўзда тутилган. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ўзларига ажратилган ер майдонига фақат чорва учун озуқабоп экин экиши белгилаб қўйилган. Чорва учун ажратилган ерга пахта ва ғалла экиш режалаштирилмаган. Бу борада муаммо бўлса, ҳуқуқий идоралар ва Ўзбекистон Фермерлари кенгашига мурожаат қилишингиз мумкин. Қолаверса, “Фермер хўжаликлари тўғрисида”ги қонунга биноан ҳар бир бош қора мол учун зарур бўлган ер майдонига эга бўлишга тўла ҳақлисиз.

**Муҳаммаджон Қосимов,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассиси.**

**Савол:** — *Шу йилнинг январь ойида тендер асосида туманимиздаги Олға қишлоғи ҳудудидаги 40 гектарли ерга эгалик ҳуқуқини қўлга киритган эдим. “Қанағат Асидвали Агро” фермер хўжалигимизга қарашли ер майдони лалмикор бўлганлиги туфайли суғориш имконияти деярли йўқ. Лекин бу жой суғориладиган ер сифатида рўйхатга олинган. Бу муаммони қонуний ҳал этишда ёрдам берсангизлар.*

**Ислом Канагаталиев,**
**Юқори Чирчиқ тумани,**
**Тошкент вилояти.**

**Жавоб:** — Модомики, сизга ажратилган майдон суғориладиган ер сифатида нотўғри ҳужжатлаштирилган бўлса, бу жойга тегишли ҳужжатларни қайта расмийлаштириш учун туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиш орқали масалага ечим топиш мумкин. Сизнинг мурожаатингизни биз ҳам ўз назоратимизга оламиз.

**Ч. Қодиров,**
**юрист.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**“Очиқ мулоқот”да бевосита қатнашган ва мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан телефон ёки электрон манзилимиз бўйича боғланишга ҳаракат қилган фермер ва тадбиркорларнинг барча саволларига бир мулоқот доирасида жавоб топиш албатта мушкул. Негаки, айрим мурожаатлар тегишли идоралар ваколатига кирмаслиги ёки мулоқотимиз мавзусига умуман дахлдор бўлмаганлигини инобатга олиб, уларни очиқ қолдирдик. Энг асосийси, аниқ далилларга асосланилган, жўяли саволларга имкон қадар жавоб олишга ҳаракат қилдик.**

**Таҳририятимиз ушбу амалий мулоқотни мазмундор ва қизғин кечишида фаол иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Олий хўжалик суди, Адлия, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, шунингдек, Марказий банк ҳамда тижорат банклари вакилларига самимий миннатдорлик билдиради.**

**“Очиқ мулоқот”ни “XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси мухбирлари тайёрлади.**

# Фикр алмашилди

**Андижон вилоятида «Фермер хўжаликларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни минтақавий ва жаҳон бозорларига олиб чиқишга қаратилган фаол экспорт сиёсатини қўллаб-қувватлаш борасида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги O’zLiDeP депутатлик гуруҳларининг вазифалари» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашидаги O’zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари, партия вилоят ва туман(шаҳар) Кенгашлари вакиллари, кўп тармоқли фермер хўжаликлари раҳбарлари, Андижон қишлоқ хўжалиги институти профессор-ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.**

– Бугун Андижон вилоятида 1481 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. 50 дан ортиқ банкнинг филиаллари, 140 та Агротехсервис масъулияти чекланган жамиятлари, 146 та ёқилғи ва минерал ўғит сотиш шохобчаси улар хизматида, – дейди вилоят Фермерлар кенгашининг бош мутахассиси Мадинабону Азимова. – Экспортга маҳсулот чиқарувчи фермерларга алоҳида имтиёзлар берилаётгани туфайли хориж бозорига чиқувчи аъзоларимиз сони ортиб бораётир.

Семинар давомида иштирокчилар Шаҳрихон туманидаги “Гулжаҳон”, Избоскан туманидаги “Жонобод чорваси” кўп тармоқли фермер хўжаликларида бўлиб, қишлоқ хўжалиги ва чорва маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш орқали тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги илғор тажрибалари билан яқиндан танишдилар.

**Эльмира РАҲМОНОВА,**
**“XXI asr” мухбири.**

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

# УМРИ УЗАЯЁТГАН КЕКСАЛАР

**Мамлакатимизда бугунги тинч ва фаровон ҳаётга эришишга муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакилларига алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда. Тиббий-ижтимоий муассасаларда улар учун қўшимча қулайликлар яратилиб, саломатлиги мустаҳкамланмоқда.**

Пойтахтимиздаги «Турон» санаторийси нуронийларимизнинг севимли масканига айланган. Чунки бу ерда улар истайдиган ҳамма нарса – баҳаво табиат, фойдали муолажалар, мазмунли суҳбат, меҳр-эътибор бор. Муолажаларни ўз вақтида олиши, овқатланиши, ҳордиқ чиқариши белгиланган жадвал асосида кузатиб борилади.

Санаторий директори ўринбосари Алишер Муҳаммаджоновнинг айтишича, асосан кардиология ва неврология соҳасига ихтисослашган мазкур дам олиш масканида аҳолига кенг кўламли санаторий-курорт хизмати кўрсатиш баробарида, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Санаторийнинг кардионеврология ва реабилитация бўлимида улар учун алоҳида хоналар ажратилиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланган.

Диагностика жараёнида юрак фаолиятини чуқур таҳлил этадиган ЭКГ, УЗД, допплер, электроэнцефалография каби диагностика аппаратлари жорий этилган.

– Санаторийнинг тиббиёт муассасасидан ажралиб туришини белгилайдиган бир қатор омиллар бўлади, – дейди кардионеврология бўлими мудири, олий тоифали шифокор Гулнора Фатхуллаева. – Бизнинг муассасамизда қарийб бир минг етти юз метр чуқурликдан оқиб чиқувчи, таркиби натрий бикарбонат тузли минерал сув, атроф-муҳитнинг ўзига хос иқлими ана шундай омиллар сирасига киради. Биз муолажаларни ана шу шифобахш сув асосида ташкил этамиз. Бассейн ҳам минерал сув билан тўлдирилади. Мазкур даволаш усули асабни тинчлантириб, организмда қон айланиши ва модда алмашинувини яхшилайди.

Кардионеврология соҳасига ихтисослашган санаторийда ташкил этилган реабилитация бўлимида оғир юрак ва асаб касалликларидан кейин беморларнинг соғлиғини тиклаш, соғлом ҳаётга қайтариш асосий йўналиш этиб белгиланган.

Санаторий ҳовлисидаги ўриндиқлардан бирида аёллар кекса онахоннинг ўгитларини тингламоқда. Яқинроқ бориб момонинг суҳбатига қулоқ тутдик. Момо аёлларга бахтли оила қуриш, саломатликни асраш, узоқ умр кўриш сирлари ҳақида сўзламоқда.

– Бизнинг ёшлик давримиз ниҳоятда оғир, машаққатли, синовли йилларга тўғри келди, – дейди 93 ёшли Ойша момо Нуриддинова. – Урушнинг инсоният бошига солган офатларини ўз кўзимиз билан кўрдик, азобларини бошимиздан кечирдик. Бугунги тинч, фаровон кунларни жаннатга қиёсласа бўлади. Бундай замонда оилаларда фақат бахт, шодлик, қувонч, орзу тантана қилиши керак. Бунинг учун ҳар бир инсон, айниқса, аёллар ўз сиҳат-саломатлигини қадрлаши, турмуш тарзини оқилона ташкил этиши лозим.

Бу ерда ташкил этилган клубда ишлаётган мутахассислар дам олувчиларнинг талаби ва қизиқишини ўрганиб, маданий дастур ташкил этади. Пойтахтимизнинг тарихий гўшалари, зиёратгоҳларга турли экскурсиялар уюштириш одат тусига кирган.

Булоқбошидан келган 78 ёшли Усмон Қаҳҳоров ҳар йили соғломлаштириш масканида ҳордиқ чиқариб, соғлиғини тиклашни одат қилган.

– Мамлакатимизда ўтганлар хотирасини эъзозлаш, бугунги кунда ҳаёт бўлиб кексалик гаштини сураётган нуронийларни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Усмон ота. – Президентимизнинг яқинда эълон қилинган «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармони бу эътиборнинг яна бир амалий ифодаси. Ушбу фармонга мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг моддий рағбатлантирилиши, пул мукофоти тантанали ва байрамона вазиятда топширилиши фахрийларимизнинг кўнглини беҳад кўтаради. Бундай хайрли ишлар юртимиздаги меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлайди, файзу баракани оширади.

84 ёшли Дилбар ая Аъзамхўжаева ҳам бу ерда яратилган шароитлардан мамнун бўлиб сўзлади. Онахон ўтган йили ҳам шу оромгоҳда дам олиб, даволанган экан. Шароитлар маъқул келгани учун бу йил ҳам ушбу санаторийни танлабди.

– Кексайганингда фарзандлар эъзозида бўлиш бир неъмат бўлса, давлатимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш янада улкан бахт экан, – дейди Дилбар ая. – Бундай эътибор ва эъзоз учун Президентимиздан ниҳоятда миннатдормиз.

Ёши улуғ инсонларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, умрига умр қўшишда замонавий тиббий ёрдам билан бир қаторда санаторий-курорт хизматининг алоҳида ўрни бор.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига асосан кексаларни бу йўналишда ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайди. Хусусан, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясидан маълум қилишларича, 2015 йилда мамлакатимизда бундай имкониятдан ўн бир мингдан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийлари баҳраманд бўлди. Жорий йилда 36 сиҳатгоҳ, жумладан, касаба уюшмалари тизимидаги 15 санаторийда 10 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фронти фахрийларини бепул соғломлаштириш режалаштирилган. Бугунги кунгача уларнинг 2 мингдан кўпроғига ана шундай хизмат кўрсатилди.

Бунга қўшимча равишда касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтган йили тизимдаги санаторийларда етти мингдан зиёд меҳнат фахрийлари бепул, уч мингдан кўпроқ пенсионер жамоа шартномалари орқали имтиёзли асосда соғломлаштирилди.

Кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш, уларни рози қилиш халқимизнинг миллий қадрияти. Бу тамойил мамлакатимизда ижтимоий сиёсатнинг муҳим бўғинига, доимий жараёнга айланган. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида бу борадаги ишлар янада кенгаймоқда. Отахону онахонларнинг кўнглини кўтариш, соғлиғини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётир.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

Реклама ўрнида

# Истиқболли сармоялар

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни қарор топтириш, ишончли молия тизимини шакллантириш, пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Эндиликда бунинг амалий самараси барча соҳаларда яққол намоён бўлмоқда. "Ипотека-банк" АТИБ Ангрен филиалининг фаолияти фикримиз тасдиғидир. Хусусан, 2015 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун жами 17,6 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Шундан 4,3 миллиард сўм кичик бизнес субъектларига, 2,4 миллиард сўм озиқ-овқат товарлари ҳамда 3,8 миллиард сўм ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга, 1,7 миллиард сўм хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга, 1,4 миллиард сўм хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга, 431 миллион сўм эса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди.

Туманда фаолият юритаётган бир қатор ишбилармон ва тадбиркорлар банкнинг амалий ёрдамига таяниб, самарали натижаларга эришмоқдалар.

**Шоҳиста Мадиярова,**
**"Shahliya" масъулияти чекланган жамият раҳбари:**

— Юртимизда фаолият юритаётган банкларнинг молиявий имконият майдонлари тобора кенгайиб бораётганлиги биз тадбиркорларга кенг имкониятлар яратмоқда. Масалан, 2015 йилда корхонамиз очилган эди. Бунда дастлабки сармоя учун "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиалининг кредит маблағларидан фойдаландик. Яъни, ажратилган 150 миллион сўм миқдоридаги сармоя эвазига зарур хомашё, замонавий тикув машиналари сотиб олинди ва 25 та янги иш ўринлари яратилди. Бугунги кунда корхонамизда турли бичимдаги кийим-кечаклар, шунингдек, коллеж талабалари учун формалар ва буюртма асосида замонавий либослар тайёрланмоқда. Олдинда эса янада масъулиятлироқ мақсадлар турибди. Уларни рўёбга чиқаришда банк билан корхонамиз ўртасида қарор топган ишончли ҳамкорлик қўл келишига ишонамиз.

**Мукаррам Казакбаева,**
**"Angren Guli-Muattar" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Ўтган йилнинг сентябрь ойида "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиали томонидан корхонамизга 147,5 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Шу ҳисобдан замонавий тиббий ускуналар харид қилиб, мустақил равишда ўз фаолиятимизни йўлга қўйдик. Қўшимча 5 та янги иш ўрни яратилди. Бугунги кунда жамоамиз аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан фаолиятимизга янада жиддийроқ ёндошмоқдамиз. Мақсадимиз юрт равнақи, эл саломатлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

**Мурод Анаркулов,**
**Ангрен шаҳридаги "Alp Sher Qudrati" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

— Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга катта амалий ёрдам кўрсатиляпти. Яратилган имкониятдан фойдаланиб, "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиалидан 570 миллион сўм миқдорида кредит олган эдим. Ушбу маблағ ҳисобидан мавжуд ошхона биноси кенгайтирилди ва 10 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Банк билан молиявий ҳамкорликни келгусида ҳам давом эттириш ниятидамиз.

**Ситора Набиева, коллеж битирувчиси:**

— Ангрен маиший хизмат кўрсатиш коллежини битирганман. Тадбиркорликка қизиқиб, олис қишлоқда кичик озиқ-овқатлар дўконини ташкил этиш учун "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиалидан 19 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Бугунги кунда ўз фаолиятимни янада ривожлантириш учун тинмай изланаяпман. Банкларнинг биз каби ёшларга кўрсатаётан молиявий ёрдамидан мамнунмиз. Зеро, бу умумий мақсадларимиз билан муштаракдир.

**Юсуф Ҳайдаров,**
**"Angren–ravnaq fayz" оилавий корхонаси раҳбари:**

— Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун янги истиқболлар очмоқда. Бу борада банкларнинг фаол иштирокини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўтган йилда мазкур банкнинг Ангрен филиали томонидан ажратилган кредит маблағлари эвазига оилавий савдо дўкони очган эдик. Савдо-сотиқ жараёнини такомиллаштириш ҳисобидан оиламиз даромади ошиб, турмушимиз фаровонлашмоқда. Ҳаракатда — баракат, дегани шу бўлса керак.

Хулоса қилиб айтганда, "Ипотека банк" АТИБ Ангрен филиали мижозлар ишончини қозониш, юклатилган вазифаларни бекаму кўст адо этиш учун барча имкониятлардан фойдаланмоқда. Бу эса хизмат сифати ва маданиятини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

**Банк Ахборот хизмати**

**Хизматлар лицензияланган**

Реклама ўрнида

# *Тажриба ва самара*

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестицион муҳит ва чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, хорижий сармоялар салмоғини ошириш, илғор технологияларни татбиқ этган экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида бандлик даражасини ошириш ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этаётир.

Юртбошимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатдош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш Сирдарё вилоятида ҳам асосий вазифалардан бири қилиб қўйилган.

Хусусан, жамғарманинг вилоят филиали маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосини ташкил этиш, тижорат таклифларини чет эллик ҳамкорларга етказиш орқали харидорларни излаш, экспорт қилувчиларни эҳтимолли хавф-хатарлардан ҳимоялаш, бошқа мамлакатлар қонунчилиги бўйича зарур лицензия ва сертификатларни олишда ҳуқуқий ва ташкилий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Шунингдек, халқаро тендер савдолари билан боғлиқ ҳамда бошқа йиғимларни амалга ошириш, фаолияти экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган корхоналарнинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишини таъминлашда ҳам беминнат хизмат кўрсатилаяпти.

Хусусан, 8-12 февраль кунлари Москва шаҳрида бўлиб ўтган «Продэкспо - 2016» 23-халқаро озиқ-овқат кўргазмасида вилоятдаги «Cotton Impex Group» МЧЖ банкнинг бевосита ёрдами билан муваффақиятли иштирок этиб, яхши натижаларга эришди. Фақат шугина эмас. 30 мартдан 2 апрелга қадар Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган «AYMOD-2016» чарм-пойабзал халқаро кўргазмасида вилоятдаги «ПЕНГ-ШЕНГ» қўшма корхонаси ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этишга муваффақ бўлди.

— Жамғарма тадбиркорлик субектларининг яқин ёрдамчисига айланган. Ўзаро ҳамкорлик эса жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, аҳоли ўртасида бандлик даражасини оширишга хизмат қиляпти, — **дейди «Гул-Рен-Текс» корхонаси директори Убайдилла Рахматов.** — Бугун ҳудудимизда ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан хорижга чиқаётган тадбиркорлар сафи кенгаймоқда.

Мухтасар айтганда, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Сирдарё вилоят филиали ўз фаолият доирасини кенгайтирмоқда. Зеро унинг тезкор ва замонавий хизматлари ҳар жиҳатдан кафолатланган бўлиб, жойларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, мижозлар сафини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаяпти.

**Фахриддин НУРАЛИЕВ**
***Хизматлар лицензияланган.***

ЭЪЛОН

## КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Акциядорлик тижорат Халқ банки Бўка ва Қибрай филиалларига қарашли 2 та "Дамас" автомашинасини таъмирлаш бўйича очиқ танлов эълон қилади.**

1. Танлов комиссияси ишчи органининг манзили ва телефони:
Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-уй.
Телефон: (99871) 273-86-57, факс: (99871) 273-86-57. e-mail: taxlil883@xb.uz
2. Танлов мавзуси: "Халқ банки Бўка ва Қибрай филиалларига қарашли 2 та "Дамас" автомашинасини таъмирлаш"
3. Тендер ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба-жума кунлари соат 09-00 дан 18-00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил ва телефонлар орқали олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (нархлари бўйича алоҳида конвертда, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2016 йилнинг 5 май куни Тошкент вақти билан соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

*Хизматлар лицензияланган*

# Экспорт салоҳияти ошмоқда

■ Эльмира РАҲМОНОВА
«XXI asr» мухбири

**Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил 16 мартда қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазмун-моҳиятини имтиёз ва имкониятлар кўламини кенг оммага етказиш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир.**

Шундан келиб чиқиб жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ўтказилмоқда. Андижон вилояти ҳокимлиги мажлислар залида мутахассислар, соҳа мутасаддилари, 150 нафардан зиёд тадбиркор иштирок этган тадбирда экспорт географиясини кенгайтириш хорижий бозорлардаги талабдан келиб чиққан ҳолда тадбиркорларга молиявий ёрдам кўрсатиш, маҳсулотлар дизайнини халқаро стандартларга етказиш, экспорт амалиёти билан шуғулланувчиларни эҳтимолий хавф-хатарлардан ишончли ҳимоялаш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги асосида зарур лицензиялар, сертификатлар олишда юридик, молиявий ва ташкилий хизматлар кўрсатиш, кўргазма ва ярмаркаларда тадбиркорлар иштирокини таъминлаш ва бошқа масалалар хусусида фикр юритилди.

Таъкидланганидек, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб – қувватлаш жамғармаси катта имкониятларга эгадир. Кейинги йилларда жамғарманинг устав капитали 3 маротабага, жумладан миллий валютада 5,3 млрд. сўмдан 10,3 млрд. сўмга кўпайганлиги, хорижий валютада 2 млн. долларга етганлиги, тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида хизмат кўрсатишдан олинадиган комиссион ажратмалар миқдори 1 фоизгача камайтирилганлиги ҳақида атрофлича маълумот берилди.

– 2016 йилда ташқи савдо ҳажмини кенгайтириш мақсадида 24 та янги бозорга электротехника, енгил саноат, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва қурилиш материалларини экспорт қилиш режалаштирилган, — дейди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори Жаҳонгир Мустафоев. — Бундан ташқари, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Фермерлар кенгаши ўртасида тузилган шартномага асосан бу йил 1413 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспорт қилиш 100 нафардан ортиқ фермер ва агрофирма раҳбарларининг билим ва малакасини оширишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 2016 йилнинг январь-февраль ойларида жамғарма томонидан 496 та тадбиркорлик субъектига маҳсулотлар экспорти бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий хизматлар кўрсатилди. Натижада 480 млн. долларга тенг миқдорда экспорт шартномалари имзоланди ва улар доирасида 152,3 млн. долларлик маҳсулот экспорт қилинди. 28 февраль-2 март кунлари республикамизга Россиядан бир гуруҳ ишбилармонлар гуруҳи ташриф буюришган эди. Олиб борилган музокаралар натижасида мамлакатимизда етиштирилган маҳсулотларни Ижевск шаҳридаги Логистика маркази орқали Татаристон, Бошқирдистон, Удмуртия ва Урал вилоятларига экспорт қилиш бўйича келишувга эришилди. Жамғарма саъй – ҳаракати билан маҳаллий фермер ва тадбиркорлардан 50 нафари ўз маҳсулотлари билан Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «Яшил ҳафта – 2016» халқаро кўргазмасида иштирок этишга муваффақ бўлди. Тадбир доирасида 4 нафар фермерга 9 млн. доллардан ортиқ экспорт шартномаларини тузишга кўмаклашилди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг ушбу соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш пировардида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбир давомида тушган саволларга Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ижрочи директори Жаҳонгир Мустафоев ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Андижон вилояти бўлими мутахассислари, вилоят ҳокимлиги вакиллари атрофлича жавоб қайтардилар.

## ЎЗБЕКЧА ТОНГ

Ҳалима АҲМАД

## ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ



**Тонгни яхши кўраман. Тонг озода келинга ўхшайди. Ва яна онамни эслайман. У жуда ҳам саранжом-саришта аёл эди. Барчамизни тонг отмасдан уйғотарди. Тонгда ризқ бўлади, дерди. Болаликда ризқ нималигини тушунмасак-да, эриниб-эриниб уйғонардик. Ва тонгдан қандайдир мўъжиза кутардик…**

Энди билсам бу мўъжиза тириклик жавҳаридаги умид экан… Ҳали-ҳамон тонгни орзиқиб кутаман, мўъжизани ҳам. Шаҳарчилик, баъзида ўрнимда ётганча уни кутиб оламан. Ростини айтсам, шундай пайтларда тонгдан уялиб кетаман. Чунки онам тонгни ҳаммаёқни озода қилиб, юз-қўлни ювиб кутиш керак, деб таъкидлагани-таъкидлаган эди…

…Қайсидир даврада хориж сафаридан қайтган бир дўстимиз энтикиб-энтикиб у ернинг тонгини мақтади.

— Тонг гўё денгизлар устидан сакраб-сакраб келаётгандек эди, – деди у.

Шунда мен негадир оғриндим. Ичимда ўйладим, наҳотки бу дўст ўзбекча тонгни кўрмаган бўлса?! Юрагимда ногаҳон тонгнинг қадамларини эшитаман. Кўз олдимда азиз манзара тикланади. Оқ тераклар маъсум жилмаяди. Боғлар қадим оҳангда тебранади. Атрофга меҳрнинг мушки таралади. Сўнг эса оппоқ саватини ризққа тўлдирган тонг кўринади. У эринмай ҳар бир деразадан бош суқиб, ҳол сўрайди, ризқ тарқатади.

Эшик қўнғироқлари шодликдан ҳайқиради:

Сизга сут, қаймоқ керакмасми?!

Кўчалар фаррошларнинг супургиси оҳангида бағри тўлиб куйлайди. Карнай-сурнайларнинг бахтиёр овози жарчилик қилади:

Ҳамма наҳорги ошга!

Дарахтларнинг ишқидан сархуш қушлар тирикликка, ишққа ҳамду сано айтиб сайрашга тушади. Уларнинг чуғурлаши юракнинг бир торига келиб урилади ва юрак ҳам янги орзуларни куйлашдан маст бўлади…

Кўнглимда тикланган манзарадан хушбахтланаман. Ва ҳеч кимга сездирмай даврани тарк этаман. Йўл бўйи осмонни тўлдирган юлдузлар мени таъқиб қилади. Уларнинг шивир-шивири жуда яқиндан эшитилади. Аммо уларга парво қилмайман. Ахир мен тонгни кутишга кетаяпман.

Йўлимни қандайдир қора, дайди мушук кесиб ўтади. Таққа тўхтайман. Иримга ишонмасам-да, йўлни айланиб ўтмоқчи бўламан. Аммо олдинда тонг борлиги эсимга тушиб мардона қадам ташлайман…

Чўлпон юлдузи кипригимга қўнганда уйғонаман. Ўзбекча тонг онамга ўхшаб кетади. Онамнинг каштали кўйлагини кийиб келади. Деразадан сирғалиб кирадию кўзларимга соғинч билан тикилади. Тонгни тўйиб-тўйиб ҳидлайман. Ундан Ватанимнинг, Ватанимдан эса онамнинг хушбўй ҳиди келади.

## ЎЗИМИЗНИНГ ГАПЛАР…

***Тўғри сўз тўғрилиги учун эмас, ёқмаслиги учун кўп айтилавермайди.***

***

***Мен биламан, деган сўз хатонинг жияни. Шунинг учун у кўпинча жиянини хафа қилгиси келмайди.***

***

***Бозорда эгриният сотувчининнг кўзига эмас, қўлига қаранг. Чунки у кўз кўзга тушишидан эмас, қўл қўлни таниб қолишидан кўпроқ қўрқади.***

***

***Бозор кўрган қаламқошдан қўрқманг, чунки у нафақат қалам-тушининг, балки ўзининг ҳам нархини билади.***

***

***Ўғрига тун то оқаргунча омад келтиради. Соддага эса ёлғонга ишониш уч кунлик бахт ҳадя этади. То мис қорайгунча.***

***

***Кеп қолинг-оп қолинг: янги телефон, бир кун ҳам ишламаган, атиги 19 соат ишлаган холос.***

**Шуҳрат РЎЗИЕВ**

**Реклама ўрнида**

## "BANKEXPO-2016"

**Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.**



Юртимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк-молия хизматларини тарғиб этиш ва мижозларни улар билан яқиндан таништириш мақсадида 2016 йил 13-14 апрель кунлари «Кўргазма Савдо Маркази» мажмуасида **«BANKEXPO-2016» Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмаси ташкил этилди.**

Унда «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ томонидан «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ҳамда **«BANKEXPO-2016»** банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари Миллий кўргазмаси доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлашга оид лойиҳалар бўйича танлов ғолибларини аниқланди. Танловда интенсив боғ, балиқчилик, чорвачилик, тикувчилик шунингдек, полиэтилен буюмлар, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сервис хизматлари ҳамда, хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш соҳаларига оид 180 дан ортиқ лойиҳалар таклиф этилди. Улар орасидан **5 та номинация** бўйича совриндорлар тақдирланди.

Жумладан, **"Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши лойиҳа"** номинацияси бўйича биринчи ўринга банкнинг Чимбой филиали мижози, **якка тартибдаги тадбиркор,** – лойиҳа ташаббускори **Дамир Абдуллаев** лойиқ, деб топилди. Мазкур номинация бўйича иккинчи ўрин банкнинг Марғилон филиали мижози, **якка тартибдаги тадбиркор** – лойиҳа ташаббускори **Азизбек Нишанов**, учинчи ўрин эса банкнинг Гала Осиё филиали мижози – **"Жасурбек Фирдавс" хусусий корхонаси раҳбари Одил Каримовга** насиб этди.

Банкнинг Қува филиали мижози, **"Leading Flower" хусусий корхонаси раҳбари Набияхон Мамажонова**. «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди

Ушбу номинация бўйича иккинчи ўринга банкнинг Яккабоғ филиали мижози, **якка тартибдаги тадбиркор** - лойиҳа ташаббускори **Шоира Ҳайдарова**, учинчи ўринга эса банкнинг Навоий минтақавий филиали мижози – **якка тартибдаги тадбиркор Гулнора Бозорова** муносиб, деб топилди.

**"Касб-ҳунар коллежи битирувчисининг энг яхши лойиҳаси"** номинациясида эса асосида бош соврин банкнинг Тошкент вилояти минтақавий филиали мижози, **"Stimul print" масъулияти чекланган жамияти раҳбари** ҳамда лойиҳа ташаббускори **Асрор Хатамовга** топширилди.

Ушбу наминация бўйича иккинчи ўрин банкнинг Оҳангарон филиали мижози, лойиҳа ташаббускори, **хусусий тадбиркор Марварид Мўминова**, учинчи ўрин эса банкнинг Наманган минтақавий филиали мижози **якка тартибдаги тадбиркор** лойиҳа ташаббускори **Дилноза Сўфиевага насиб этди.**

**"Узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда амалга оширилган энг яхши лойиҳа"** номинацияси асосида бош соврин банкнинг Андижон минтақавий филиали мижози, **"Давр юксалиш сари" масъулияти чекланган жамияти раҳбари,** лойиҳа ташаббускори **Илҳом Ҳакимовга** топширилди. Мазкур номинация бўйича иккинчи ўринга банкнинг Каттақўрғон филиали мижози, бўлган **якка тартибдаги тадбиркор** – лойиҳа ташаббускори **Дилрабо Мамадалиева**, учинчи ўринга эса Янгиобод филиали мижози – **"Асилбек Шукурбек" фермер хўжалиги раҳбари Асилбек Эгамназаров** лойиқ топилди.

**"Она ва бола саломатлигига ҳисса қўшган энг яхши лойиҳа"** номинацияси юзасидан бош соврин банкнинг Хоразм минтақавий филиали мижози, **"Улуғбек Ирода" хусусий корхонаси раҳбари лойиҳа ташаббускори Ойбек Дунаевга** насиб этди.

Иккинчи ўринга банкнинг Шўрчи филиали мижози, **"Dalvarzin Med Systems" масъулияти чекланган жамияти раҳбари** ҳамда лойиҳа ташаббускори **Раҳматулло Элмуродов**, учинчи ўринга эса Янгиер филиали мижози – **"Самандар Стом" масъулияти чекланган жамияти раҳбари** лойиҳа ташаббускори **Эркинжон Пўлатов** лойиқ, деб топилди.

Юқоридаги номинациялар бўйича 1 ва 2-ўринни эгаллаган лойиҳа ташаббускорлари **«LED 32» маркали телевизорлар, замонавий ноутбук,** 3-ўринга лойиқ топилган мижозлар эса **уч функцияли принтерлар** ҳамда кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирландилар.

**Банк ахборот хизмати**

**Хизматлар лицензияланган**

**Реклама ўрнида**

# Яқин ҳамкор ва кўмакчи

Андижон мамлакатимизнинг иқтисодиёти ривожланган, саноат, қишлоқ хўжалиги тараққий этган вилоятларидан бири. Бугунги кунда вилоятда 20 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари, 8 мингдан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Статистик маълумотлар кейинги беш йилда вилоят ялпи ички маҳсулот салмоғида айнан ана шу тадбиркорлик субъектларининг улуши сезиларли даражада ўсиб, қарийб 60 фоизга етганини кўрсатмоқда. Вилоятнинг ҳар бир тумани, қишлоғида ўрта ва йирик саноат корхоналари нафақат ички, балки дунё стандартлари даражасида маҳсулот ишлаб чиқармоқдаки, бунинг натижасида четдан кириб келаётган товарлар салмоғи йил сайин камайиб бораяпти. Маҳсулот сифатини таъминлашда эса "Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси томонидан ташкил этилаётган семинар, учрашувларда аввало ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, озиқ-овқат хавфсизлиги талаблари, экспорт жараёнларида нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тадбиркорларга маълумот берилмоқда.

— Вилоятимизда ҳар йили ўнлаб янги корхоналар мутлақо янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқда, — **дейди "Андижон синов ва сертификатлаштириш маркази" Давлат корхонаси директори Абдуолим Чакалов.** — Дўконлар, савдо расталарига кирган киши пештахталардаги маҳсулотларнинг ёрлиғида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёзувни кўриб ҳам ўзимизда дунё стандарти талабларига тўла мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганига гувоҳ бўлади. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида марказимиз қошидаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идораси томонидан озиқ-овқат, енгил саноат, электротехника, машинасозлик, кимё-полимер маҳсулотларига жами 507 та ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 167 та ортиқ мувофиқлик сертификатлари берилгани ҳам фикримиз исботидир. Шу билан бирга айрим турдаги маҳсулотларнинг яроқсизлиги аниқланиб, хўжалик юритувчи субъектларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳақида зарурий тавсиялар берилди.

Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларидаги сингари Андижонда ҳам нафақат маҳсулот ишлаб чиқариш, балки уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйган кўп тармоқли фермер хўжаликлари сони ортиб бораяпти. Маҳсулотларнинг лаборатория кўригидан ўтказилиши, уларга мувофиқлик сертификатлари берилиши фермер маҳсулотининг сифатини кафолатлаган ҳолда унинг харидоргирлигини ҳам таъминлаяпти. Истеъмол бозорида товарларга нисбатан рақобат муҳити кучайиб бораётгани бозорларимизда ўз-ўзидан сифатли маҳсулот сотилишига сабаб бўлаяпти. Бу эса корхоналарда сифатни бошқариш тизимларини жорий этилишида қўл келмоқда.

— 2016-2017 йилларда жами 118 та, жумладан, 2016 йилда 60 та корхонада сифат менежменти тизимларини босқичма-босқич жорий этишнинг тармоқ жадвали тасдиқланди, — дейди А.Чакалов. — Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига 12 та корхонада сифат тизимларини жорий этиш ишлари якунланиб сертификатлаштирилди. 2016-2019 йиллар давомида ҳудуддаги 18 та йирик корхонада энергоменежмент тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича режа-таклифлар ишлаб чиқилди. Сифат тизимларини жорий этишнинг афзалликлари ҳамда берилган имтиёзларни кенг тарғиб қилиш мақсадида жойларда семинар-мулоқотлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Лабораторияларимизни замонавий синов ва ўлчов ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида 2015 йилда метрология бўлимининг аккредитация доираси 10 та янги турдаги ўлчаш воситаларини қиёслаш ишларини ўтказишга кенгайтирилган эди. Жорий йилда яна уч турдаги ўлчаш воситаларини қиёслашни ўзлаштириш режалаштирилаяпти. Бундан ташқари ўтган йили марказ таркибидаги аккредитланган физик-механик ва физик-кимёвий синов лабораториясига марказ ҳисобидан қиймати 21,3 млн. сўмлик 5 дона, қиёслов лабораторияси учун махсус жамғарма ва марказ маблағлари ҳисобидан 103,3 млн. сўмлик 8 дона синов ускуналари ва намунавий ўлчаш воситалари харид қилиниб ишга туширилди. Марказ қошида машинасозлик ва электротехника маҳсулотларини синаш лабораторияси учун ҳам ўтган 2015 йилда агентликнинг махсус жамғармаси ва марказ маблағи ҳисобидан умумий қиймати 215,2 млн. сўм 14 дона замонавий синов ускунаси ва ўлчов воситалари сотиб олинди.

Марказда "Ишонч телефон"лари, интернет тармоғида веб-сайт яратилган бўлиб, аҳоли ва тадбиркорлар улар орқали ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб билан бирга айрим муаммоларга ечим ҳам топишяпти. Бу каби замонавий иш усулларини жорий этишда ёшларга кўпроқ имконият берилаяпти. Соҳага замонавий техника ва технологиялар, ускуналарнинг жалб этилаётгани эса мутахассислардан янада мукаммал билим, тажрибани талаб этмай қолмайди. Шу боис марказ мутахассислари метрология, сертификатлаштириш, сифат тизимини жорий этиш йўналиши бўйича агентликнинг Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтида, сифат менежменти тизимларини жорий этиш бўлими мутахассислари эса ИСО 22000 ва OHSAS 18001 халқаро стандартлар бўйича курсларда касб малакаларини ошириб бормоқдалар. Марказга Андижон машинасозлик институти ва Андижон қишлоқ хўжалиги институтида таълим олаётган ёш, серғайрат, соҳага қизиқувчан ёшлар ишга жалб этилаяпти. Чунки улар соҳанинг эртаси, тармоққа замонавий иш усулларини киритишади. Аслида бу каби ишлар, турли тадбирларни йўлга қўйишдан кўзланган мақсад битта, у ҳам бўлса — аввало, республикамиз иқтисодиёти ривожи, истеъмолчиларни сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳисса қўшишдан иборатдир. Рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқараётган вилоятнинг 30 мингга яқин тадбиркор ҳамда, фермерига мазкур марказ мутахассислари доимо яқин ҳамкор ва кўмакчи.

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
**"XXI asr" мухбири.**

*Хизматлар лицензияланган*

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк

**2016 йил "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

*Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.*



**Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

| Филиаллар | Код | Телефонлар | Филиаллар | Код | Телефонлар |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 | Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 | Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 | Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 | Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 | Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 | Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 | Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 | Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 | Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 | Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатларингиз:**

- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Ижроия қўмита аппаратининг масъул ходими Ҳилолахон Ибрагимовага отаси **Отажон Маҳкамов**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР:** Норқобил ЖАЛИЛОВ.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-33-80 (тел./факс).

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** xxi_asr@umail.uz

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: S 5733 Тираж: 12967

Баҳоси келишилган нархда. Топширилди — 20:00

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: О.РАЖАБОВ, А.МУЗАФФАРОВ.